

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ”  
ЙЎНАЛИШИ**

**“КОРХОНА РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
201\_\_ йил \_\_\_\_\_ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва  
дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** Карлибаева Р. – ТДИУ, “Корпоратив бошқарув”  
кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

**Тақризчилар:** Ўрмонов Н. – ТДИУ, “Корпоратив бошқарув”  
кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди;  
  
Нуримбетов Р.И. - ТАҚИ, проректор, иқтисод фанлари  
доктори, профессор

**Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сонли қарори билан тасдиққа тавсия  
қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. Ишчи дастур .....</b>	<b>3</b>
<b>II. Модулни ўқитишда фойдаланадиган интерфаол таълим методлари.....</b>	<b>10</b>
<b>III. Назарий машғулот материаллари .....</b>	<b>17</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>29</b>
<b>V. Масалалар банки.....</b>	<b>53</b>
<b>VI. Мустақил таълим мавзулари .....</b>	<b>54</b>
<b>VII. Глоссарий.....</b>	<b>57</b>
<b>VIII. Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>74</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши Ўзбекистон учун ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсатини аниқлаш ва амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг ўзига хос йўлларини танлаш, халқ турмуш фаровонлигини оширишнинг кенг йўлларини очиб берди.

Мазкур модул акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари мутахассисларга молиявий менежмент бўйича мустаҳкам назарий ва амалий билим бериш, тажрибаларни ўргатиш, корхонани бошқариш ва оқилона рақобат сиёsat олиб бориш масалаларини қамрайди.

Бу масалаларни ҳал этишда бевосита «Корпоратив тузилмаларда рақобатбардошлигини баҳолаш» ни чуқур ўрганишга боғлиқ, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш тизимини, бошқарувни ахборот билан таъминлаш, молиявий ҳисботлар тизимини юритиш ва уларни таҳлил этиш, хўжалик фаолияти билан боғлиқ таваккалчилкларни баҳолаш ва бошқариш йўлларини ва механизмини – унсурларини чуқур билиши керак.

Бугунги кескин рақобат шароитида корхоналарда маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни кўриб чиқиши, ҳамда бунда ташки бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтиришда, “Корпоратив тузилмаларда рақобатбардошлигини баҳолаш” фанида ўрганиладиган мавзулар, назарий-амалий масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Тингловчиларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йилнинг асосий якунлари ва 2017 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 январдаги бўлиб ўтган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак»<sup>1</sup> маъruzаси ва «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» фармонида ҳамда “Биз ўтган йил давомида бу борада кенг кўламли ишларни бошладик. Лекин миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиши учун олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди”<sup>2</sup> мурожаатномасида келтирилган қоидалар ва хуносаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида улардан самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндошишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий

<sup>1</sup> Ш.М. Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” Халқ сўзи. 2017 йил, 16-январ.

<sup>2</sup> <http://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

вазифалардан биридир.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш” модулининг мақсади:** талабаларга корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолашда мустахкам назарий ва амалий билим бериш, тажрибаларни ўргатиш, корхоналарнинг фаолиятини оқилона бошқариш ва уни самарали олиб боришни ўрганишдан иборат.

### **“Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш” модулининг вазифалари:**

талабаларга корхоналарни рақобатбардошлигини бошқарув назарияси ва амалиётини ўргатиш; корхона фаолиятини бошқарув мунособатларини ва ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиши ўргатиш, тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишнинг асосий услуги сифатида билимлар тизимини бериш, қарорлар қабул қилиш учун керакли маълумот тайёрлаш ва тақдим этиш ҳамда рақобатни баҳолаш усулларини ўргатишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакалариға қўйиладиган талаблар**

**“Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- корхона пул қийматини баҳолашнинг назарий асослари ва амалий усуллари, ликвидлилик ва риск таҳлили, қарорларни баҳолашнинг усуллари, ички молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда молиявий ҳисобот таҳлилини амалга оширишни, молиявий характерга эга булган маълумот йиғиши, қайта ишлаш, тайёрлаш тизими, хўжалик жараёнида менежерлар ечадиган муаммолар, корхонанинг ресурслари ҳолати, уларни баҳолаш тартиби ва корхона бизнес режаси тузишни ***билиши керак;***

#### **Тингловчи:**

- корхона бизнес режасини ишлаб чиқиш учун корхона рақобатбардошлиги кўрсаткичлари ва уларга таъсир этадиган омиллар тўғрисидаги, аник ҳолат бўйича мисоллар ишлаш, турли хил инвестицион таклифларни баҳолай олиш, шунингдек корхона ресурсларини баҳолаш юзасидан кўникмаларга эга бўлиши керак;

#### **Тингловчи:**

-корхона пассивлари ва активлари таркибини, дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик даражасини аниқлаш, корхона кўрсаткичларини таҳлил қилиш, корхона доирасидаги рисклар даражасини баҳолаш, рақобатбардошлика таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш, ишлаб чиқариш, инвестицион, молиявий фаолиятларини башорат қилиш, бизнес режасини тузиш, корхона иқтисодий самарасини аниқлаш, айланма ва асосий

воситаларни бошқариш, корхонанинг пул оқимларини бошқариш, корхонанинг ўз маблағларини шакллантириш сиёсатини шакллантириш, корхонанинг мақсадга мувофиқ баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш. Харажатларни бошқаришнинг концепциялари, корхона ва тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш мезонлари ва усулларидан фойдаланиш малакаларига эга бўлиши керак.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари кўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини кўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш” фани мутахассислик фани хисобланиб, З семестрда ўқитилади.

Бу модулни амалда бажариш учун талabalар “Ижтимоий иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш”, “Монополияга қарши бошқарувнинг институционал асослари”, “Монополияга қарши бошқарув назарияси”, “Корпоратив бошқарув ва рақобатни ривожлантириш” фанларидан етарлича маълумотга эга бўлишлари лозим.

“Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш” фани “Хорижий мамлакатларнинг монополияга қарши сиёсати” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар давлатнинг корпоратив тузилмаларда рақобатбардошлигини баҳолашмуаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модулбўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Кўчма	
			Аудитория ўқув юкламаси		Назарий	Амалий машгулот		
			Жами	жумладан				
1.	Молиявий таҳлил ва корхонани бошқариш	6	6	2	4			
2.	Бизнес-режанинг молиявий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва реал инвестицион лойиҳаларни бошқариш	6	4	2	2		2	
3.	Корхона рақобатбардошлигини аниқлашда рискларни бошқариш	8	6	2	4		2	
4.	Корхоналар рақобатбардошлигини баҳолашда иқтисодий математик моделларни қўллаш усуллари	8	8	4	4			
<b>Жами:</b>		28	24	10	14		4	

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

### **Фан бўйича маъруза мавзулари ва уларнинг мазмуни**

#### **1-модул. Молиявий таҳлил ва корхонани бошқаришда унинг усуллари**

Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишнинг моҳияти ва зарурияти. Хўжалик фаолиятини таҳлил этиш тизими ва услублари. Корхоналар фаолиятини таҳлил этишнинг асосий шакллари. Молиявий таҳлилнинг асосий усуллари. Горизонтал молиявий таҳлил. Вертикал молиявий таҳлил. Активларнинг таркибий таҳлили. Капиталнинг таркибий таҳлили. Пул оқимларининг таркибий таҳлили. Қиёсий молиявий таҳлил. Интеграл молиявий таҳлил. Дюпон тизими. Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий фаолияти натижаларини молиявий коэффицентлар ёрдамида таҳлил этиш.

#### **2-модул. Бизнес-режанинг ишлаб чиқиш ва реал инвестицион лойиҳаларни бошқариш**

Корхоналар фаолиятини режалаштириш мақсади ва олдига қўйиладиган асосий талаблар. Режалаштириш тизими, шакллари ва усуллари. Қисқа

муддатли (жорий, оператив), ўрта муддатли ва узоқ муддатли (истиқболи) режалар. Прогнозлаштириш ва уни тузиш усуллари. Ички хўжалик фаолиятини режалаштириш тизими. Йиллик режаларни мазмунни ва таркиби ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш. Режалаштириш тамойиллари. Корхона фаолиятини башоратлаш. Корхона стратегиясини шакллантириш босқичлари. Жорий режалар тизими. Бюджет турлари ва уларнинг хусусиятлари. Жорий бюджет ва капитал бюджетни шакллантириш. Инвестициялар ва кредитлар жалб этишга йўналтирилган бизнес режалар мазмунни ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Бизнес-режа устида ишлаш, унинг таркиби ва бўлимларини шакллантириш. Инвестицион лойиҳаларни реализациясини бошқариш. Бизнес режа кўрсаткичлари таҳлили.

### **3-модул. Корхона рақобатбардошлигини аниқлашда рискларни бошқариш**

Таваккалчиликнинг моҳияти ва хусусиятлари. Корхонада таваккалчилик элементлари ва уларнинг турлари. Таваккалчиликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи омиллар. Таваккалчиликни бошқариш тизими. Тахминий таваккалчиликни аниқлаш, хатарнинг олдини олиш ёки оқибатларини пасайтириш чораларини белгилаш. Таваккалчиликни баҳолаш мезонлари, усуллари ва уни пасайтириш йўллари. Таваккалчиликни суғурталаш, хеджирлаш ва бошқа усуллари. Молиявий таваккалчиликни бошқариш сиёсати. Корхона таваккалчилигига таъсир этувчи омиллар. Таваккилчиликни нейтрализацияси механизми ва унинг самарадорлиги. Таваккалчилик суғуртаси тизими ва унинг турлари.

### **4-модул. Корхоналар рақобатбардошлигини баҳолашда иқтисодий математик моделларни қўллаш усуллари**

Капитал таркибини оптималлаштириш босқичлари ва асосий омиллари. Корхона инвестицион портфелини оптималлаштириш. Корхонанинг инвестицион ресурслари тақсимланишини оптималлаштириш модели. Корхонани пул оқимларини оптималлаштириш усуллари. Инвестицион фаолиятдан пул оқимлари кирими ва чиқимини прогнозлаштириш усуллари ва ҳисоблаш босқичлари. Молиявий фаолиятдан пул оқимлари кирими ва чиқимини прогнозлаштириш усуллари ва ҳисоблаш босқичлари. Корхона харажатларини оптималлаштириш ва иқтисодий математик моделлардан фойдаланиш йўллари. Корхонада вужудга келадиган рискларни бошқаришда иқтисодий математик моделлардан фойдаланиш йўллари.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Молиявий таҳлил ва корхонани бошқаришда унинг усуллари**

Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишнинг моҳияти ва зарурияти. Хўжалик фаолиятини таҳлил этиш тизими ва услублари. Корхоналар фаолиятини таҳлил этишнинг асосий шакллари. Молиявий таҳлилнинг асосий усуллари. Горизонтал молиявий таҳлил. Вертикал молиявий таҳлил. Активларнинг таркибий таҳлили. Капиталнинг таркибий таҳлили. Пул оқимларининг таркибий таҳлили. Қиёсий молиявий таҳлил. Интеграл молиявий таҳлил. Дюпон тизими. Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий фаолияти натижаларини молиявий коэффицентлар ёрдамида таҳлил этиш.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Бизнес-режанинг ишлаб чиқиши ва реал инвестицион лойиҳаларни бошқариш**

Корхоналар фаолиятини режалаштириш мақсади ва олдига қўйиладиган асосий талаблар. Режалаштириш тизими, шакллари ва усуллари. Қисқа муддатли (жорий, оператив), ўрта муддатли ва узоқ муддатли (истиқболи) режалар. Прогнозлаштириш ва уни тузиш усуллари. Ички хўжалик фаолиятини режалаштириш тизими. Йиллик режаларни мазмунни ва таркиби ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш. Режалаштириш тамойиллари. Корхона фаолиятини башоратлаш. Корхона стратегиясини шакллантириш босқичлари. Жорий режалар тизими. Бюджет турлари ва уларнинг хусусиятлари. Жорий бюджет ва капитал бюджетни шакллантириш. Инвестициялар ва кредитлар жалб этишга йўналтирилган бизнес режалар мазмунни ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Бизнес-режа устида ишлаш, унинг таркиби ва бўлимларини шакллантириш. Инвестицион лойиҳаларни реализациясини бошқариш. Бизнес режа қўрсаткичлари таҳлили

### **3- амалий машғулот:**

#### **Корхона рақобатбардошлигини аниқлашда рискларни бошқариш**

Таваккалчиликнинг моҳияти ва хусусиятлари. Корхонада таваккалчилик элементлари ва уларнинг турлари. Таваккалчиликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи омиллар. Таваккалчиликни бошқариш тизими. Тахминий таваккалчиликни аниқлаш, хатарнинг олдини олиш ёки оқибатларини пасайтириш чораларини белгилаш. Таваккалчиликни баҳолаш мезонлари, усуллари ва уни пасайтириш йўллари. Таваккалчиликни суғурталаш, хеджирлаш ва бошқа усуллари. Молиявий таваккалчиликни бошқариш сиёсати. Корхона таваккалчилигига таъсир этувчи омиллар. Таваккилчилик нейтрализацияси механизми ва унинг самарадорлиги. Таваккалчилик суғуртаси тизими ва унинг турлари.

**4- амалий машғулот:**  
**Корхоналар ракобатбардошлигини баҳолашда иқтисодий**  
**математик моделларни қўллаш усуллари**

Капитал таркибини оптималлаштириш босқичлари ва асосий омиллари. Корхона инвестицион портфелини оптималлаштириш. Корхонанинг инвестицион ресурслари тақсимланишини оптималлаштириш модели. Корхонани пул оқимларини оптималлаштириш усуллари. Инвестицион фаолиятдан пул оқимлари кирими ва чиқимини прогнозлаштириш усуллари ва ҳисоблаш босқичлари. Молиявий фаолиятдан пул оқимлари кирими ва чиқимини прогнозлаштириш усуллари ва ҳисоблаш босқичлари. Корхона харажатларини оптималлаштириш ва иқтисодий математик моделлардан фойдаланиш йўллари. Корхонада вужудга келадиган рискларни бошқаришда иқтисодий математик моделлардан фойдаланиш йўллари.

### ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Энг юқори балл 2,5	Изоҳ
1.	Таълим олувчилик модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, модул мазмунини аниқ танланганлиги	1,0 балл	Модулли ўқув ахбороти ишланмаси – 1,0 балл.
2.	Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишда етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши		
3.	Вазият моделини яратилиши		
4.	Кейс матни баён этилиши		
5.	Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши	1,5 балл	Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши- 1,5 балл.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### 1. Маъруза машғулотида қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

#### «ФСМУ» методи

**Технологиянингмақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияниамалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларгамавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУтаҳлилиқатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### Намуна.

**Фикр:**“Корхона ишлаб чиқариш-хужалик фаолиятида ишлаб чиқариш фондлари ва ноишлаб чиқариш фондларидан фойдаланилади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билишфаолияти турлийўналишлар (тест, амалий кўнилмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” ларданмаъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклдафойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



#### Тест

- 1. Товарнинг бозорга кириб келиш даврида харидорлар кимлар бўлади?
- А. новаторлар
- В. консерваторлар
- С. Янгилик киритувчи



#### Қиёсий таҳлил

- Бозор конюнктурасини таҳлил қилинг?



#### Тушунча таҳлили

- МАТ қисқартмасини изоҳланг



#### Амалий кўнилма

- Ахборот тўплаш учун саволнома тузинг?

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари

мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларгатарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиштилади;

➤ таълим олувчиларинди видуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсусбелгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+”бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

## **2. Амалиёт машғулотида қуидаги интерфаол ўқитиши методларидан фойдаланилари:**

**“SWOT-тахлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна “АХМАД” оиласи корхонасининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.**

<i>Имкониятлари</i>	<i>Кучли томонлари</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>❖ Кичик бозор мавжудлиги;</li> <li>❖ кучсиз рақобатчилар борлиги;</li> <li>❖ истеъмолчилар ўртасида яхши обўюга эгалиги;</li> <li>❖ юқори малакали ишчилар гурӯҳи борлиги;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>❖ савдода кўп йиллик тажрибасига эга;</li> <li>❖ бозорда кучли ва етакчилик позициясига эга;</li> <li>❖ Самарали реклама сиёсатини олиб боради ва мижозларни рагбатлантириш тажрибасига эга;</li> <li>❖ замонавий техника ва технологияга эга;</li> <li>❖ кучли халқаро алоқаларга эга</li> <li>❖ бошқарув тизимини тўғри қарор қабул қилишда етакчилиги;</li> </ul>
<i>Хавф хатарлар</i>	<i>Кучсиз томонлари</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>❖ рақобатчиларнинг истеъмолчига нисбатан номуноғиқ ишлари;</li> <li>❖ олдиндан айтиб бўлмайдиган бизнес соҳасини пайдо бўлиши;</li> <li>❖ «ноқонуний» дистрибьюторлик тизимининг бозорда мавжудлиги;</li> <li>❖ Назоратчи ташкилотларнинг ноқонуний аралашуви.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>❖ катъий ўрнатилган баҳо сиёсати;</li> <li>❖ дистрибьюторлик тизимининг марказлаштирилган бошқаруви;</li> <li>❖ Кенг миқёсдаги реклама фаолиятини тадбик этилмаганлиги.</li> </ul>

### **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Буметод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий васеминар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан

билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯхларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯхга умумий муаммонитаҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯхлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу

### Намуна:

#### Маркетинг концепциялари

Сотиш		Товар		Маркетинг	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

### Хуносаси:

#### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмок) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсдаочиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ниамалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқувтопшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғинингечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимиинечимиини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Махсулот сифати назорати моделини ишлаб чиқиш. Харид номенклатурасини аниқлаш. Мижозларни излаб топиш ва савдо битимлари тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш. Бозор сифимини баҳолаш ва товар ишлаб чиқариш бўйича қарор қабул қилиш

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Махсулот сифати назорати моделини кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### “Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг мухокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

### Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарбмавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар

томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **“Портфолио”методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидагитурлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳӣ
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурухи, тингловчилар гурухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1-МОДУЛ. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ ВА КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ**

**1. Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишнинг моҳияти ва зарурияти.**

- 2. Хўжалик фаолиятини таҳлил этиш тизими ва услублари.**
- 3. Корхоналар фаолиятини таҳлил этишнинг асосий шакллари.**
- 4. Молиявий таҳлилнинг асосий усуллари.**
- 5. Горизонтал молиявий таҳлил.**
- 6. Вертикал молиявий таҳлил: активларнинг таркибий таҳлили, капиталнинг таркибий таҳлили, пул оқимларининг таркибий таҳлили.**
- 7. Қиёсий молиявий таҳлил.**
- 8. Интеграл молиявий таҳлил: интеграл таҳлилнинг Дюпон тизими, Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий фаолияти натижаларини молиявий коэффицентлар ёрдамида таҳлил этиш.**

Молиявий ҳисобот – ҳисботлар шаклининг тўпламидир. У молиявий ҳисоб маълумотлари асосида тайёрланади ва фойдаланувчиларга корхонанинг молиявий аҳволи, фаолияти тўғрисида батафсил маълумот беради, шунингдек, ҳисбот даврида корхонанинг молиявий ҳолати ўзгаришлари тўғрисида оддий ва аниқ шаклда фойдаланувчилар учун амалий қарорлар қабул қилишга кўмаклашади. Молиявий ҳисоб, ўз навбатида, ички фойдаланувчилар учун ишлаб чиқариш ҳисоби маълумотлари умумлаштиришга ҳам қўлланилади.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятида эркин муносабат юритиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун шерик танлай билиш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ва уни сотишдан олган даромадга тўлиқ эгалик қилиш, молиявий кўрсаткичларининг ўзгаришига бевосита таъсир этади. Янгича иш юритиш ташқи ва ички бозорлардан тажрибали мижоз ва ҳамкорлар танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Корхоналар фаолиятини ўрганишда молиявий ҳисбот асосий манба бўлиб хизмат қиласи. Улар молиявий маълумотларнинг умулаштириши натижасида тузилади ва ҳамкорликда ишловчилар ўртасида бир-бирини ўрганиш воситаси бўлади.

Кредит берувчилар даставвал корхонанинг қарз мажбуриятларини тўлаш қобилияти билан қизиқадилар. Узоқ муддатли кредит берувчи банк ёки облигациялар эгасини корхонанинг олинган кредитлар бўйича фоизлар ва қарзнинг асосий суммасини тўлаш қобилияти қизиқтиради.

#### ***Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари***

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги улар билан ҳамкорлик қилувчи ташқи субъектлар, яъни моддий-техника таъминоти корхоналари, турли иш ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар, маҳсулот сотишга кўмаклашувчи, тайғров ва қайта ишлаш корхоналари, кредиторлар ва инвесторлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ташқи

субъектлар, биринчи навбатда, хўжаликнинг молиявий ҳолатини ифода этувчи кўрсаткичларга эътибор қаратадилар. Бу кўрсаткичларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- капитал таркиби кўрсаткичлари;
- тўлов қобилияти (ликвидлик) кўрсаткичлари;
- иш фаоллиги кўрсаткичлари;
- рентабеллик кўрсаткичлари.

**1. Капитал таркиби кўрсаткичлари** кичик тадбиркорлик корхоналарига узоқ муддатли молиявий маблағлар (куйилмалар) киритган кредиторлар ва инвесторларнинг ҳимояланиш даражасини акс этиради. У корхонанинг узоқ муддатли молиявий мажбуриятларини бажариш қобилиятини ифодалайди.

**Мулк коэффиценти ( $Km$ )** кичик тадбиркорлик субъектлари жами капиталида ўз хусусий капиталининг улушкини кўрсатади:

$$Km = \frac{XK}{ЖАйк};$$

Бу ерда:  $XK$  – корхонанинг хусусий капитали қиймати;

$ЖАйк$  – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Корхона мулкдорлари жами капитал таркибida ўз капитали улушки юқори бўлишидан манфаатдор бўладилар. Бу коэффицент бирдан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки, у корхонанинг иш фаоллиги тушиб кетган ҳолларда кўп йўқотишлардан асрайди ва кредитлар жалб этиш учун гарови сифатида чиқади.

**Молиявий қарамлик коэффиценти ( $Kmк$ )** корхонанинг ташки қарзларга боғлиқлик даражасини ифодалайди:

$$Kmк = \frac{KK}{XK}$$

Бу ерда:  $KK$  – қарз эвазига жалб этилган капитал қиймати;

$XK$  – корхонанинг хусусий капитали қиймати.

Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, корхонанинг қарзлари шунча кўп ва банкротлик хатари шунча юқори бўлади. Рақобатли бозор муҳитида бу кўрсаткич бирдан юқори бўлмаслиги мақсадга мувофиқ.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарурый ахборотлар албатта молиявий менеджмент учун тегишли ахборотлар манбаларининг сифати, курсаткичлари ва эҳтимоллилигига бевосита боғлиқдир. Бунда биринчи навбатда корхоналарнинг ички молиявий ҳолатини ўзда акс эттирувчи молиявий хисоботлар асосий рол уйнайди. Молиявий хисоботлар молиявий

менеджмент учун бошқарув, молиявий, инвестицион қарорлар қабул қилишдаги энг мухим молиявий ахборотлар манбаи ролини уйнайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналардаги мавжуд молиявий хисоботлар тизими асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- баланс;
- молиявий натижалар туғрисидаги хисобот;
- асосий воситалар харакати туғрисидаги хисобот;
- пул оқимлари туғрисидаги хисобот;
- хусусий капитал туғрисидаги хисобот;
- дебиторлик ва кредиторлик туғрисидаги хисоботлар.

Турли мамлакатларда хисоботларни шаклантиришга ўзига хос талаблар куйилади, бирок хисобот тизимининг асосий шакллари сифатида баланс ва молиявий натижалар туғрисидаги хисоботлар тузилади. Хисоботнинг колган шакллари баланс ва молиявий натижалар туғрисидаги хисобот шакллари хосиласи сифатида тўзилади. Умуман хисобот тизими элементларининг деталлаштирилиши корхоналар иқтисодий фаолияти натижаларини молиявий акс эттирилишини осонлаштиради ва ундан фойдаланувчилар учун бир катор қуликлар тугдириши мумкин.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишнинг қандай зарурияти бор?
2. Хўжалик фаолиятини таҳлил этиш тизимини тавсифлаб беринг.
3. Корхоналар фаолиятини таҳлил этишнинг қандай асосий шакллари мавжуд?
4. Молиявий таҳлилнинг асосий усуллари санаб ўтинг.
5. Горизонтал ва вертикал молиявий таҳлил қандай фарқ қиласи?
6. Қиёсий ва интеграл молиявий таҳлиллар қандай ўтказилади?
8. Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий фаолияти натижаларини қандай молиявий коэффицентлар ёрдамида таҳлил этиш мумкин?

## **2-МОДУЛ. БИЗНЕС-РЕЖАНИНГ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА РЕАЛ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШ**

- 1. Корхоналар фаолиятини режалаштириш мақсади ва олдига қўйиладиган асосий талаблар.**
- 2. Режалаштириш тизими, шакллари ва усуллари.**
- 3. Қисқа муддатли (жорий, оператив), ўрта муддатли ва узок муддатли (истиқболи) режалар.**
- 4. Прогнозлаштириш ва уни тузиш усуллари.**
- 5. Ички хўжалик фаолиятини режалаштириш тизими. Йиллик режаларни мазмуни ва таркиби ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш.**
- 6. Молиявий режалаштириш тамойиллари.**
- 7. Корхона молиявий фаолиятини прогнозлаштириш.**
- 8. Корхонанинг молиявий стратегиясини шакллантириш босқичлари.**
- 9. Жорий молиявий режалар тизими.**
- 10. Бюджет турлари ва уларнинг хусусиятлари. Жорий бюджет ва капитал бюджетни шакллантириш.**
- 11. Инвестициялар ва кредитлар жалб этишга йўналтирилган бизнес режалар мазмуни ва уларга қўйиладиган асосий талаблар.**
- 12. Бизнес-режа устида ишлаш, унинг таркиби ва бўлимларини шакллантириш. Инвестицион лойиҳаларни реализациясини бошқариш.**

**Кичик тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг моҳияти мақсади, вазифалари ва тамойиллари**

Бозор муносабатлари ривожланаётган бир шароитда, кўплаб тадбиркорлик субъектлари ташкил этилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбиркорлик субъектлари молиявий бошқарувида режалаштириш асосий роль ўйнайди, иқтисодиётнинг барча шаклларида ишлаб чиқариш ва истеъмол бўғинларининг изчил ва бир маромда ишлаши, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

«Режалаштириш – бошқаришнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у иқтисодий тизимнинг келгуси ҳолатини, унга эришиш йўллари, усуллари ва воситаларини белгилаб берувчи режаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашдан иборатdir»<sup>1</sup>.

«Молиявий режалаштириш - муайян муддат учун молиявий ресурслар ҳаракати ва тегишли молиявий муносабатлар ҳаракатини асослашдан иборат жараёндир»<sup>2</sup>. Кичик тадбиркорлик субъектининг молиявий фаолияти айrim ҳолларда алоҳида олинган ёки бир туркум

<sup>1</sup> Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцева. «Современный экономический словарь», - М.: ИНФРМ, 1997. С. 243.

<sup>2</sup> И.Т. Балабанов. «Основы финансового менеджмента. Как управлять капиталом» - М.: Финансы и статистика. 2003. С. 38.

операциялар унинг объекти бўлади. Бунда турли пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун ресурслар ҳаракатигина эмас, балки уларга воситачилик қилувчи молиявий муносабатлар ҳамда юзага келадиган нарх наво нисбатлари ҳам ҳисобга олинади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий режалаштиришнинг асосий вазифаси ҳар бир хўжалик ва молиявий операциясининг пул маблағлари эҳтиёжини, ҳаражатлар ҳажми ва таркибини, субъектни бутун иши яқунларини ҳисоб-китоб қилишдан иборат. Молиявий режалаштириш ёрдамида даромадлар, уларнинг провард натижаларини ҳисобга олган ҳолда оқилона тақсимлаш кабилар прогноз қилинади.

### **Тадбиркорликда молиявий режалаштириш тизими ва ундан фойдаланиш**

Молиявий режалаштириш иқтисодиёт соҳаларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини режалаштиришнинг асосий ва узвий қисми ҳисобланади.

Молиявий режалаштириш қўйидаги тарзда амалга оширилади. Аввал хўжалик субъектининг ривожланиш истиқболлари таҳлил этилиб, мавжуд ривожланиш йўналишини ўзгартиришга қодир таъмойиллар белгиланади. Сўнгра хўжалик субъектининг рақобатбардошлиги таҳлил этилади, турли фаолият соҳаларидаги тараққиёт истиқболлари таққослаб чиқилиб, молиявий ресурсларни тақсимлашнинг устувор йўналишлари белгиланади.

Хозирги шароитда долзарб бўлган молиявий режалаштириш методологиясини акс эттирувчи тамойиллар қўйидагиларда бағн этилади:

- объектив зарурийлик тамойили молиявий режалаштиришдан хўжалик юритишнинг барча даражаларида молияларини бошқаришнинг бирламчи босқичи сифатида фойдаланиш. Бу шуни англатадики, мазкур жараён молиявий имкониятларини аниқлаш, оқилона қиймат нисбатлари, ва топшириқларни бажариш учун пул ресурслари ҳаракатини прогноз қилиш воситаси ва усуллари сифатида зарурдир;

### **Кичик тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ва услублари**

Молиявий режалаштириш муддатлар ва кўрсаткичларга кўра одатда, уч турга—узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли режалаштиришга бўлинади.

**Узоқ муддатли режалаштириши.** Узоқ муддатли режалаштириш ўрта ва қисқа муддатли режалаштиришни ўз ичига олиб, жаҳон амалиётида кенг кўлланилади. Узоқ муддатли режа, одатда, уч ва беш йиллик даврларни ўз ичига олади. У кўпроқ баён кўринишида бўлиб, корхонанинг умумий стратегиясини белгилаб беради, чунки бундай узоқ муддат учун барча ҳисоб-китобларни аниқ башорат қилиш анча қийин. Узоқ муддатли режа корхона раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилиб, унда корхонанинг истиқболдаги асосий стратегик мақсадлари белгиланади.

Узок муддатли режалаштиришда белгиланадиган асосий соҳалар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- ташкилий таркиби;
- ишлаб чиқариш қувватлари;
- капитал қўйилмалар;
- молиявий маблағларга талаблар;
- тадқиқот ва ишланмалар;
- бозор улуши ва ҳоказолар.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Корхоналар фаолиятини режалаштириш олдига қандай асосий талаблар қўйилади?
2. Режалаштириш тизими, шакллари ва усулларини тавсифланг.
3. Қисқа муддатли (жорий, оператив), ўрта муддатли ва узок муддатли (истикболи) режаларни фарқлаб беринг.
4. Прогнозлаштириш қандай усуллар асосида тузилади?
5. Молиявий режалаштириш қандай тамойиллари мавжуд?
6. Корхона молиявий фаолиятини прогнозлаштириш қандай амалга оширилади?
7. Корхонанинг молиявий стратегияси қайси босқичлар асосида шакллантирилади?
8. Бюджетнинг қандай турлари ва хусусиятлари мавжуд?
9. Бизнес-режа ва унинг таркиби ва бўлимларини шакллантиринг.
10. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни бошқариш қандай олиб борилади?

## **3-МОДУЛ. КОРХОНА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ АНИҚЛАШДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ**

- 1. Таваккалчиликнинг моҳияти ва хусусиятлари.**
- 2. Корхонада таваккалчилик элементлари ва уларнинг турлари.**
- 3. Таваккалчиликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи омиллар.**
- 4. Таваккалчиликни бошқариш тизими.**
- 5. Тахминий таваккалчиликни аниқлаш, хатарнинг олдини олиш ёки оқибатларини пасайтириш чораларини белгилаш.**
- 6. Таваккалчиликни баҳолаш мезонлари, усуллари ва уни пасайтириш йўллари.**
- 7. Таваккалчиликни суғурталаш, хеджирлаш ва бошқа усуллари.**
- 8. Молиявий таваккалчиликни бошқариш сиёсати.**
- 9. Корхона молиявий таваккалчилигига таъсир этувчи омиллар.**
- 10. Молиявий таваккилчиликни нейтрализацияси механизми ва унинг самарадорлиги.**
- 11. Молиявий таваккалчилик суғуртаси тизими ва унинг турлари.**

### **Таваккалчилик тушунчаси ва уни бошқариш**

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожланиб бориши билан хўжалик юритишнинг асосини ташкил этувчи рақобатнинг аҳамияти ортиб бормоўда. Бундай шароитда муваффақиятли фаолият юритиш учун тадбиркорлар самарали бошқарув услубларини билишлари, таваккалчилик чегараларини аниўлай олишлари, мавжуд вариантлардан энг мақбулини танлай олишлари керак. Бу эса тадбиркорнинг ишбилармонлик ўбилияти билан белгиланади ва ҳар бир тадбиркордан маълум даражада билим ва малака талаб қиласди.

**Тадбиркорлик** – фойда олиш мақсадида ўз мол-мулкини таваккалчилик асосида бизнесга тикиш жараёни эканлиги туфайли, бундай фаолият доимий равишда маълум бир хатарлар билан боғлиқ бўлади.

### **Таваккалчиликни баҳолаш усуллари**

Таваккалчиликларни бошқариш жараёнида асосий эътибор тадбиркорлик таваккалчилигини баҳолашга ўаратилади.

**Таваккалчиликни баҳолаш** – таваккалчилик даражасини миқдорий ёки сифат ўлчамлари билан аниўлашдир.

Таваккалчиликнинг тахминий эҳтимолини аниқлаш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Илмий адабиётларда тадбиркорлик таваккалчиликларини баҳолашнинг 4 усули келтирилади:

- **Статистик усул;**
- **Эксперт усули;**
- **Аналитик усул;**
- **Комбинациялаштирилган усул.**

**Статистик усулда** корхонанинг ва тармоқдаги бошқа турдош корхоналарнинг бир неча йиллик фаолияти давомида юз берган

таваккалчилик ҳодисалари ҳамда улар натижасида кўрилган заарлар даражаси ўрганиб чиқилади.

**Эксперт усулида** иш тажрибаси юқори ва мазкур соҳада эксперт ҳисобланган юқори малакали мутахассисларнинг фикрлари, аниў ҳисоб-китоблари ва тавсиялари эътиборга олинади.

**Аналитик усулда** иқтисодий-математик усувлар, вазиятли иш ўйинлари ва эўтимоллар назариясидаги моделлар ёрдамида таваккалчилик даражасига баҳо берилади.

### **Таваккалчиликни камайтириш йўллари**

Мавжуд ноаниқликлар ва хатарлар тадбиркорни ўз лойиҳасининг фойдалигини чуқур таҳлил этишга, ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларни тежамкорлик асосида пухта сарфлашга, асосий воситалар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишга, баҳо сиёсатини тўғри белгилашга ундейди. Акс ҳолда корхона фаолияти инўироз билан якун топиши мумкин.

Таваккалчиликни камайтиришнинг қўйидаги йўллари мавжуд :

- 1. Таваккалчиликнинг пайдо бўлишидан ўочиши.**
- 2. Таваккалчиликнинг таъсирини камайтириши.**

Биринчи ҳолатда тадбиркор ўз фаолиятига хавф туғдирадиган ҳар ўандай хатарни четлаб ўтишга ҳаракат қиласи.

Иккинчи ҳолатда тадбиркор таваккалчиликнинг корхона ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига таъсирини (зарарни) пасайтириш чораларини излайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Таваккалчиликнинг моҳияти ва хусусиятларини тушунтиринг.
2. Корхонада таваккалчиликнинг қандай элементлари мавжуд?
3. Таваккалчиликни келтириб чиқарувчи қандай ички ва ташқи омиллар мавжуд?
4. Таваккалчиликни бошқариш тизимини тавсифлаб беринг.
5. Таваккалчиликни баҳолашнинг қандай мезонлари, усувлари ва уни пасайтириш йўллари мавжуд?
6. Таваккалчиликни суғурталаш ва хеджирлаш қандай амалга оширилади.
7. Молиявий таваккалчиликни бошқариш сиёсати қандай амалга оширилади?
8. Корхона молиявий таваккалчилигига қандай омиллар таъсир этади.
9. Молиявий таваккалчилик суғуртасининг қандай турлари мавжуд?

## **4-МОДУЛЬ. КОРХОНАЛАР РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ИҚТИСОДИЙ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ**

- 1. Капитал таркибини оптималлаштириш босқичлари ва асосий омиллари.**
- 2. Корхона инвестицион портфелини оптималлаштириш.**
- 3. Корхонанинг инвестицион ресурслари тақсимланишини оптималлаштириш модели.**
- 4. Корхонани пул оқимларини оптималлаштириш усуллари**
- 5. Инвестицион фаолиятдан пул оқимлари кирими ва чиқимини прогнозлаштириш усуллари ва ҳисоблаш босқичлари.**
- 6. Молиявий фаолиятдан пул оқимлари кирими ва чиқимини прогнозлаштириш усуллари ва ҳисоблаш босқичлари.**
- 7. Корхона харажатларини оптималлаштириш ва иқтисодий математик моделлардан фойдаланиш йўллари.**
- 8. Корхонада вужудга келадиган рискларни бошқаришда иқтисодий математик моделлардан фойдаланиш йўллари.**

**КАПИТАЛ НАРХИ** – маълум ҳажмда молиявий ресурслардан фойдаланиш учун тўлаш керак бўлган маблағларнинг шу ҳажмга нисбатн фоизда ифодаланган умумий суммаси.

$$WACC = \sum_{i=1}^n K_i \cdot d_i ,$$

бу ерда WACC – капитал нархи;

$K_i$  - 1-маблағлар манбаси нархи;

$d_i$  - 1-маблағлар манбасининг умумий суммадаги улуши;

$n$   
маблағлар манбаларининг сони.

Ўз капиталининг базавий элементлари қиймати:   
фаолият кўрсатаётган ўз капитали қиймати

$$K_{CK_{омч}} = \frac{P_{дивид}}{CK}, \quad K_{CK_{неш}} = K_{CK_{омч}} \cdot T_{дивид},$$

бу ерда  $P_{дивид}$  – соғ фойданинг мулк эгаси томонидан дивиденд (даромад) шаклида тўланган қисм;  $CK$  - ўз капиталининг ўртача йиллик ҳажми;  $T_{дивид}$  - планируемый темп роста выплат дивидендов на единицу вложенного киритилган капитал бирлигига дивиденд тўловлари.

ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда қиймати

режа давридаги фаолият күрсатаётган ўз капитали қийматига тенглаштирилади, чунки у келгуси даврда фойдаланиладиган хисобот давридаги соф фойданинг капиталлашган қисмини ифодалайди.

□ Эмиссия ҳисиобига шакланган низом капитали қиймати:

- имтиёзли акциялар ( $K'^L$ ):

$$K_i^{PA} = \frac{D_{PA}}{PA},$$

бу ерда ДПА – тўланиши лозим бўлган дивидендер умумий суммаси;

ПА - имтиёзли акциялар эмиссияси ҳисобига шаклланган низом капитали суммаси

- оддий акциялар ( $K^{od}$ ):

$$K_i^{OA} = \frac{\left( \frac{D_{oa}}{P_{oa}} + g \right) \cdot q}{OA},$$

бу ерда  $D_{oa}$  - 1 та оддий акцияга ҳисоблаганда дивиденд суммасининг башорат қиймати;

$P_{oa}$  – оддий акциянинг бозор нархи;  $g$  - дивидендерлар ўсишининг башорат суръати;  $q$  - акциядорлардаги оддий акциялар сони; ОА – оддий акциялар эмиссияси ҳисобига шаклланган низом капитал суммаси.

Қарзга олинган капиталнинг базавий элементлари қиймати;

### ***1C***

а Кредитлар нархи ( $K_i$ ):

$$K_i^K = \frac{\sum_{j=1}^m K_j \cdot C_j \cdot T_j}{\sum_{j=1}^m K_j} \cdot 100,$$

бу ерда  $K_j$  -  $j$ -кредит суммаси;

$C_j$  -  $j$ -кредит бўйича фоиз ставкаси;

$T_j$  -  $j$ -кредит тақдим этилган муддат;

$m$  - ҳисобот даврида олинган кредитлар сони.

а облигация заеми нархи ( $K^{ob}$ ):

$$K_i^{ob} = \frac{\frac{C_{ob} \times C_{nom} + \frac{C_{nom} - C_{real}}{T}}{C_{real}}}{C},$$

бу ерда  $C_{ob}$  - облигациялар бўйича фоизлар;

$C_{nom}$  - облигациялар номинал

нархи;

$C_{real}$  - цена реализации облигации;

$T$  – облигация заеми муддати

(йил);

$C$  - облигация заеми баҳоси.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар:**

1. Капитал таркибини оптималлаштириш қайси босқичлари мавжуд?
2. Корхона инвестицион портфелини оптималлаштириш усуларини санаб ўтинг.
3. Корхонанинг инвестицион ресурслари тақсимланишини оптималлаштириш моделини тавсифлаб беринг.
4. Корхонани пул оқимларини оптималлаштиришнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Инвестицион фаолиятдан ва молиявий фаолиятдан пул оқимлари кирими ва чиқими қандай прогнозланади ва ҳисобланади?
6. Корхона харажатларини оптималлаштиришда қандай иқтисодий математик моделлардан фойдаланилади?

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-масала.

Очиқ акциядорлик жамиятлари учун листинг талаблари.

№	Кўрсаткичлар	Гурух			
		A	B	C	D
1	2	3	4	5	6
1	Корхонанинг фаолият кўрсатиши муддати (энг камида йилда)	3	2	1	1
2	Тўланган устав капитали (энг камида ва млн сўмда)	1000	500	200	100
3	қимматли қоғозларни қўшимча эмиссия холати (энг камида ва млн сўм хисобида)	100	50	25	20
4	Жами активлар миқдори (млн.сўмда)	1500	750	300	150
5	Акциядорлар сони (энг камида ва шахс хисобида)	2000	1000	500	150
6	Заарсиз ишлаган муддати (энг камида ва 4 йил хисобида)	3	2	1	1

Шарти:

Муайян очиқ акциядорлик жамиятлари мисолида гурухлар бўйича листинг талабларини хисобланг ва хулоса ёзинг.

### Тестлар

**1. Қандай акционерлик жамиятлари “ёпиқ турдаги” бўлади?**

- А) Очиқ турдаги жамиятлар акциялари бошқа хиссадорларнинг розилигисиз қўлдан-қўлга ўтиши мумкин
- Б) \*ёпиқ турдаги жамиятларда хиссадорларнинг розилиги билан қўлдан-қўлга ўтади
- В) Чиқарган акцияларни фақат ўз ходимларга сотади
- Г) Давлатга сотади

**2. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинди?**

- А) 1999 йил
- Б) \*1996 й 26 апрел
- В) 1997 й
- Г) 1998 й

**3. Акциядорлик жамияти устав фондида қанча миқдорда захира фондини ташкил этиш керак?**

- А) 20%
- Б) \*15%
- В) 10%
- Г) 12%

**4. Акциядорлик жамиятининг қандай хусусияти бор?**

- А) Янги ташкил этилаётган жамият сифатида бирлашиш
- Б) Қўшилиш
- В) Бўлиниш
- Г) \*Хамма жавоб тўғри

**5. Акциядорлик жамиятлари қайси органдан рўйхатдан ўтиши лозим?**

- А) Молия вазирлигига
- Б) ДММ чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига
- В) Адлия вазирлигига
- Г) \*Махаллий хокимиятда

**6. Акциядорлик жамиятининг йигилиши қандай муддатда ташкил қилинади?**

- А) \*Камида бир йилда бир марта
- Б) Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1- июлига қадар
- В) Тугри жавоб йук
- Г) 2 йилда бир марта

**7. Қўйидаги ибора қайси атамага мос келади? Таркибига бошқа корхона акциялар назорат пакетига кирадиган очик акционерлик жамияти бу...**

- А) Тобе корхона
- Б) Шўъба корхона
- В) Холдинглар
- Г) \*Молиявий холдинглар

**8. Молия бозорини таркибий тузилмалари қўйидагилардан иборат**

- А) тижорат банкларининг капиталлари бозори:
- Б) валюта бозори:
- В) Қимматли қоғозлар бозори:
- Г) Инвестиция ва суғурта фондлари бозори:
- Д) \*Барча жавоб тўғри.

**9. Молия бозори қўйидаги функцияларни бажаради**

- А) жамғариш ва капиталга айлантириш функциялари:
- Б) даромад келтириш ва уни тақсимлаш функциялари:

- В) умумбозор ва маҳсус функциялар:
- Г) капитални иқтисодиёт соҳаларига оқиб ўтишини таъминлаш функциялари:
- Д) \*Барча жавоб түғри.

#### **10. Молия бозорининг фундаментал тахлил қўйидаги омилларга асосланади**

- А) трендлар тахлили ва графиклар динамикасини башорат этишлик:
- Б) соҳанинг энг йирик мутахассисларининг хисоб-китоблари ва уларнинг башоратига:
- В) иқтисодиётдаги макроиктисодий омиллар ва уларнинг бозор баҳосига таъсири:
- Г) молия бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариб туриш динамикасига:
- Д) \*Барча жавоб түғри.

#### **2-масала**

Акциядорлик тижорат банклари учун листинг талаблари.

Кўрсаткичлар	Гурух			
	A	B	C	D
Акциядорлик тижорат банки фаолиятини кўрсатиш муддати (энг камидаги ва йил хисобида)	5	4	3	-
Тўланган устав капиталини хажми (энг камидаги ва млн. сўм хисобида)	1000	500	200	-
қимматли қоғозларнинг эмиссияси (энг камидаги ва млн. сўм хисобида)	200	100	50	-
Акциядорлик – тижорат банкини зарарсиз ишлаган муддати	Бутун фаолият муддати давомида кўпи билан бир йил зарар кўрган фаолият			

Шарти:

Муайян тижорат банклари мисолида гурухлар бўйича листинг талабларини хисобланг ва хулоса ёзинг.

## **Тестлар**

### **1. Молия бозорининг техник тахлил қуидаги омилларга асосланади**

- А) соҳанинг энг йирик мутахассисларининг хисоб-китоблари ва уларнинг башоратига:
- Б) трендлар тахлили ва графиклар динамикасини башорат этишлик:
- В) молия бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариб туриш динамикасига:
- Г) иқтисодиётдаги макроиктисодий омиллар ва уларнинг бозор баҳосига таъсири:
- Д) Барча жавоб тўғри.

### **2. Молия бозорида маркет майкерлар кандай ташкилот:**

- А) молия бозорида кимматли когозларни котировкаси билан шугулданадиган ташкилот:
- Б) мижозларнинг буйруғига асосан олди-сотдини амалга оширадиган ташкилот:
- В) ўз номидан ва ўз хисобидан олди-сотдини амалга оширадиган ташкилот:
- Г) иқтисодиётдаги макроиктисодий омиллар ва уларнинг бозор баҳосига таъсири:
- Д) Барча жавоб тўғри.

### **3. Тижорат банкларида “Лоро” хисобвараги нимадан иборат:**

- А) бизнинг банкнинг ўзга банкдаги хисоб варагидаги пул маблағлари:
- Б) ўзга банкнинг бизнинг банкимиздаги хисоб варагидаги пул маблағлари:
- В) ўзга банкдан бизнинг банкимиз томонидан олинган кредит маблағлари:
- Г) бизнинг банкнинг ўзга банка берган кредит маблағлари:
- Д) Барча жавоб тўғри.

### **4. Тижорат банкларида “Востро” хисобвараги нимадан иборат:**

- А) ўзга банкнинг бизнинг банкимиздаги хисоб варагидаги пул маблағлари:
- Б) бизнинг банкнинг ўзга банкдаги хисоб варагидаги пул маблағлари:
- В) ўзга банкдан бизнинг банкимиз томонидан олинган кредит маблағлари:
- Г) бизнинг банкнинг ўзга банка берган кредит маблағлари:
- Д) Барча жавоб тўғри.

### **5. USD/CNF жуфтлигига стандарт спред қуидагилардан иборат:**

- А) 5 пункт:
- Б) 10 пункт:
- В) 5 доллар:

- Г) 10 доллар:
- Д) лот хажмига боғлиқ.

**6. USD/JPY графиги юқорига күтарилса у холда қуидагилар амалга ошади:**

- А) Иенага нисбатан доллар қимматлашади:
- Б) Долларга нисбатан иена қимматлашади:
- В) Иенага нисбатан доллар арzonлашади:
- Г) иенага нисбатан доллар курси мөфиқлашади
- Д) барча жавоб түғри.

**7. 0,22 лот билан битимни амалга ошириш учун минимум канча доллар лозим бўлади**

- А) 5 минг доллар:
- Б) 10 минг доллар:
- В) 2,5 минг доллар:
- Г) 2,2 минг доллар:
- Д) 7 минг доллар.

**8. DAX қуидаги биржалардан қайси бирида котировка кўрсатгичи ҳисобланади**

- А) Австралия
- Б) Лондон
- В) Тошкент
- Г) \*Франкфурт

**9. Куйидаги давлатларнинг қайси бирида асосий инвестиция институтлари вазифасини банклар бажаради?**

- А) \*Германия
- Б) Франция
- В) Англия
- Г) Япония

**10.“30 лик гурухи”нинг 2003 йил эълон килинган 20 та тавсияси неча қисмга булинади.**

- А) \*3
- Б) 4
- В) 2
- Г) 1

**З-масала.**

Барча инвестиция фондлари учун листинг талаблари.

Кўрсаткичлар	Гурух			
	A	B	C	D
Инвестиция фондлари фаолияти муддати (энг камида ва йил хисобида)	3	2	1	1
Тўланган устав капитали (энг камида ва млн. сўм хисобида)	500	200	100	10
қимматли қоғозларнинг эмиссияси (энг камида ва млн сўм хисобида)	500	200	100	10
Зараrsиз ишлаган муддати (энг камида ва йил хисобида)	3	2	1	1

Шарти:

Муайян инвестиция фонди мисолида гурухлар бўйича листинг талабларини хисобланг ва хулоса ёзинг.

Листинг комиссияси томонидан эмитентнинг қимматли қоғозини экспертизадан ўтказиб, уни биржа расмий рўйхати ва листинг гурухига киритиш тўғрисидаги хулосасидан сўнг комиссия хамда эмитент ўртасида маҳсус шартнома имзоланади.

«Тошкент» Республика фонд биржасида қимматли қоғозларни делистинг жараёни тартиби мавжуд. Делистинг бу –эмитентнинг қимматли қоғозини биржа расмий рўйхатига киритилган тоифадан вақтинча ёки бутунлай чиқаришдир. Биржа маҳсус комиссияси қўйидаги холатларда эмитентга нисбатан делистингни қўллади.

## **Тестлар**

### **1. Акциядорлик жамиятининг тўловчанлик қобилиятини белгиловчи кўрсаткич:**

- А) \*абсалют ликвидлик;
- Б) рентабиллик;
- В) соф активлар ҳажми;
- Г) дивиденд тўлаш;

### **2. Фонд биржасининг муассислари**

- А) \*КҚлар муомиласини амалга ошириш учун рухсатномаларга эга бўлган, инвестиция муассаси мақомини олган ташкилотлардир;
- Б) КҚлар муомиласини амалга ошириш ҳукукини берувчи рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ва жисмоний шахслар;
- В) биржада брокерлик ўрнини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар;
- Г) давлат ҳокимияти ва бошқарув, прокуратура ва суд органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва мутахассислари;

### **3. Қимматли қоғозлар бозорида банклар қўйидаги вазифаларнинг қайси бирини бажаришга рухсат берилмаган?**

- А) \*инвестиция фонди;
- Б) воситачи;
- В) инвестор;
- Г) эмитент;

### **4. Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори деганда:**

- А) \*эгаси бор қимматли қоғозларни талаб ва таклифлардан келиб чиқсан ҳолда қайта олди- сотдисини ташкил қилиб ва таъминлаб берувчи тизими тушунилади;
- Б) жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозлар чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва ҳақини тўлаш билан амалларнинг бажарилишини таъминловчи тизим тушунилади;
- В) қимматли қоғозларни дастлабки эгаларига, яъни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш мақсадида уларни бирламчи ва тақрор эмиссия қилиш ва муомалага чиқариш тушунилади;
- Г) Банклар орқали қимматли қоғозларни олди-сотсини амалга ошириш;

### **5. Қўйидаги бозор турларининг қайси бири иккиламчи бозорга тааллуқли эмас:**

- А) нобиржавий бозор;
- Б) биржавий бозор;
- В) дилерлар бозор;
- Г) \*АЖ томонидан ва тендерлар орқали савдони ташкил этиш.

**6. Индоссант – бу:**

- А) қарздор, яъни вексел бўйича тўловни амалга оширувчи шахс;
- Б) товар учун вексел ўтказувчи шахс;
- В) дастлабки кредитор, яъни ўтказма вексел эгаси;
- Г) \*ўз товари учун вексел олувчи шахс;

**7. Фонд бозорини янада ривожлантириш учун...**

- А) Кора бозорни ривожлантириш
- Б) \*Бирламчи ва иккиламчи фонд бозорларини ривожлантириш
- В) Рақобатсиз бозорни ривожлантириш
- Г) Банкларни имкониятларини чеклаш

**8. Фирма маблағини олдиндан келишилган фоиз бўйича кейин тўлаш ва фирмага эгалик қилиш хуқуқини олмаслик ҳақидаги шарнома нима?**

- А) Бевосита молиялаш
- Б) \*Билвосита молиялаш
- В) Капитал молиялаш
- Г) Қарз олиш йўли билан молиялаш

**9. Қимматли қоғозларнинг энг асосий хоссаларини топинг.**

- А) Жамғармали, тўловли;
- Б) \*Айланувчанлик, тўловга лаёқатлилик; даромадлилик; риск
- В) Депозитли, айланувчанлик;
- Г) Сармояли, даромадлилик;

**10. Қимматли қоғозлар бозори ташкилий жараён нуқтаи назардан ...**

- А) Бирламчи, сармояли, депозитли;
- Б) Бирламчи, жамғармали, биржавий;
- В) Биржавий, депозитли, иккиламчи;
- Г) \*Бирламчи, иккиламчи, биржавий, нобиржавий;

#### **4-масала.**

Тижорат банки балансининг пассив қисми таркибий тузилмаси. (минг сумда)

№	Мажбуриятлар	Минг сумда	Улуши (%)
1.	Талаб қилиб олгунча депозитлар	2793416	
2.	Жамғарма депозитлар	32889	
3.	Муддатли депозитлар	4266582	
4.	Тижорат банклари депозитлари	2225000	
5.	Банклараро тўланадиган ссудалар	1023807	
6.	Бошқа тўланадиган ссудалар	507369	
7.	Тўловга қўшилган фоизлар	101683	
8.	қайтиб олиш шарти билан сотилган қимматли қоғозлар	645000	
9.	Бошқа пассивлар	202194	
10	Кечикирилган фойда солиғи	48285	
11	Жами мажбуриятлар	11846225	
12	Устав капитали	3243476	
12.1	Оддий операциялар	2989927	
12.2	Имтиёзли акциялар	253549	
13	Тақсимланмаган фойда ва захиралар	413424	
14	Жами пассивлар	15503125	

Шарти: тижорат банки балансининг пассив қисми улушкини хисобланг.(Фоизда)

#### **Тестлар**

- 1. Қимматли қоғозлар бозорида кимлар қатнашувчилар ҳисобланади?**
- А) \*эмитентлар, инвесторлар, инвестиция институтлари, мувофиқлаштириш органлари;  
 Б) Фонд биржалари, диллерлар;  
 В) Нобиржавий бозор қатнашчилари;  
 Г) Инвесторлар, банк ходимлари;
- 2. Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида қайси муассасалар инвесторлар бўлиб ҳисобланади?**
- А) Инвестиция банклари, тижорат банклари, акционерлик жамиятлари;  
 Б) Инвестиция фондлари, синдикат ташкилотлари;  
 В) \*Инвестиция банклари, инвестиция фондлари, сугурта компаниялари;  
 Г) Стихияли бозорлар, инвестиция фондлари;

**3. Андеррайтер ким?**

- А) Кимматли қоғозларни эмиссия қилувчи шахс ёки компания;
- Б) Кимматли қоғозларни олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахс ёки компания;
- В) \*Кимматли қоғозларни бозорда жойлаштиришга кафолат берувчи шахс ёки компания;
- Г) Фонд бозорида облигацияларни сотувини амалга оширувчи шахс ёки компания;

**4. Ўз эгасига оддий акцияларнинг маълум миқдорини сотиб олиш ва шу билан акцияларнинг қадрини ошириш ҳуқуқини берадиган акция...**

- А) \*Ордерли акция;
- Б) Олтин акция;
- Г) Ўзгарувчан акция;
- Д) имтиёзли акция;

**5. Муомаладаги акциялар- бу**

- А) Сотиб олинган хусусий акция;
- Б) \*Акционерлар қўлидаги акция;
- В) Кафолатланган акция;
- Г) Олтин акция;

**6. Акциядорлик жамияти бошқарувининг рухсатисиз сота олмайдиган акция- бу**

- А) Овозсиз акция;
- Б) \*Винкулирлаштирилган акция;
- В) бир ивозли акция
- Г) Олтин акция.

**7. Облигацияларни кимлар чиқаради?**

- А) \*Банклар; корхоналар, давлат
- Б) Давлат ташкилотлари;
- В) Жисмоний шахслар;
- Г) Коммунал ташкилотлар.

**8. Юқори рейтингли облигациялар қандай облигациялар?**

- А) Юқори фоизли облигациялар;
- Б) \*Таъминланган облигациялар;
- В) Икки валютали облигациялар;
- Г) Купонли облигациялар;

**9. Давлат бюджети режасининг бажарилишини таъминловчи қимматли қоғозлар ...**

- А) \*Хазина мажбуриятлари;
- Б) Облигациялар;
- В) Банк сертификатлари;
- Г) Депозит сертификатлари;

**10. Цессияли банк сертификатлари ...**

- А) Муддати белгиланмаган банк сертификатлари;
- Б) Қоғозли банк сертификатлари;
- В) Эгасининг исми ёзилган;
- Г) \*Муддати белгиланган банк сертификатлари;

**5-масала.**

Компания томонидан оддий акциялар ва бир хил (А тип) типдаги имтиёзли акциялар жойлаштирилган. Имтиёзли акциялар эгаларига соф фойданинг 10% дивиденд сифатида берилади. Компания янги типдаги (Б тип) имтиёзли акцияларни очиқ йўл билан эмиссия қилишни назарда тутмоқда.

**Саволлар:**

1. Акциярни сотиб олиш ҳуқуқи буйича қандай меъёрлар мавжуд?
2. Ушбу холатда қайси акциядорлар имтиёзли акцияларни сотиб олиши мумкин?
  - а) оддий акция эгалари;
  - б) А типдаги имтиёзли акция эгалари ва А типдаги имтиёзли акция эгалари.
  - в) ҳеч ким сотиб олалмайди.
3. Агарда Б типдаги имтиёзли акциялар оддий акцияларга алмашиш хусусиятига эга булса, қайси акциядорлар ва нима учун акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга булади?
  - а) оддий акция эгалари;
  - б) А типдаги имтиёзли акциялар эгалари;
  - в) оддий акция эгалари ва А типдаги имтиёзли акциялар эгалари;
  - г) ҳеч қайси акциядорлар сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас.

## **Тестлар**

### **1. Бир шахснинг иккинчи шахсга ёзиб беридиган қимматли қоғознинг тури**

- А) Депозит тилхатлари;
- Б) \*Векселлар;
- В) Банк сертификатлари;
- Г) Хазина мажбурияти;

### **2. Акцептланган вексел-**

- А) Траттанинг тўлашга розилиги ёзилган вексел;
- Б) Трассатнинг тўлашга розилиги ёзилган вексел;
- В) \*Трассантнинг тўлашга розилиги ёзилган вексел;
- Г) Ремитентнинг тўлашга розилиги ёзилган вексел;

### **3. Авалиент ким?**

- А) Ремитент;
- Б) Вексел кафолатчиси;
- В) \*Трассант;
- Г) Трассат;

### **4. Қандай шартномалар қимматли қоғозларни келишилган баҳо ва муддатда сотиб олиш ёки сотиш хуқуқини берувчи икки томонламали шартнома?**

- А) Варрантлар;
- Б) \*Опционлар;
- В) Депозит тилхатлари;
- Г) Приватизация чеклари;

### **5. Шартнома тузилган қунда ўрнатилган нархда келгусида сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлиги тўғрисидаги шартнома...**

- А) Опцион;
- Б) Варрант;
- В) \*Фьючерс;
- Г) Приватизация кўпонлари;

### **6. Биржада опционлар билан боғлиқ амалларни бажарувчи тушунча**

- А) \*Кросс;
- Б) Опцион битими;
- В) Лот;
- Г) Опцион контакти;

### **7. Конверсия нима?**

- А) Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши;

- Б) \*Бир компания чиқарған қимматли қофозларни бошқа қимматли қофозларга алмашиниши;
- В) Акциядорлик жамиятларда қимматли қофозларнинг курси;
- Г) Банк томонидан қимматли қофозларга белгиланган қатъий ставка;

**8. Қуидагилардан қайси бири молия тизимининг вазифасига кирмайди?**

- А) Жамғарыш вазифаси;
- Б) Кредитлаш вазифаси;
- В) \*Солиқни такомиллаштириш вазифаси;
- Г) Тўловларга хизмат кўрсатишнинг вазифаси;

**9. Акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари:**

- А) Акциядорлар умумий йиғилиши
- Б) Кузатув кенгаши
- В) Ижроия органи (Бошқарув, дирекция)
- Г) \*А, Б, В

**10. Қандай акционерлик жамиятлари “Очиқ турдаги” жамиятлар бўла олади?**

- А) Чиқарган акциясининг фақат ўз корхона ходимларига сотади
- Б) \*Чиқарган акциясини ҳаммага сотади
- В) Фақат давлатга сотади
- Г) Давлатга умуман сотмайди

**6-масала.**

Акциядорлик жамиятда 98 та акциядор мавжуд. Жамият активларини баланс қиймати 3 600 000 доллар. Компания 1 900 000 долларлик мулкини сотишини мўлжаллаган. А акциядор 12% акцияларга эга ва у ушбу шартномага ижобий овоз берган.

**Саволлари:**

1. Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни жамиятдан қайта сотиб олишни талаб қилиши мумкинми ва бошқа қандай масалани ҳал қилиш йўллари мавжуд?
2. А акционер унга тегишли булган акцияларни сотиб олишни талаб қилиши мумкинми?
3. Агарда Акционер А да акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи мавжуд булса, қандай қилиб у акцияларнини сотиб олиши амалга ошириши мумкин?

## Тестлар

- 1. Чет эллик инвесторлар иштирокида жамият тузишда қайси қонун хужжатларидан фойдаланилади?**  
А) Қайси мамлакат билан бўлса уша мамлакат қонунлари билан  
Б) Ўзбекистон қонун хужжатлари билан  
В) \*Халқаро қонун хужжатлари билан  
Г) Шартномадаги қонун хужжатлари билан
  
- 2. «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул қилинган?**  
А) \*1996 йил 25 апрел;  
Б) 1997 йил 26 апрел;  
В) 1998 йил 27 апрел;  
Г) 1995 йил 21 апрел;
  
- 3. Республикада «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатишини тартибга солиш ва уни янада ривожлантириш чоратадбирлари» тўғрисида қонун қачон, ким томонидан қабул қилинган?**  
А) 1996 йил 7 сентябр вазирлар Маҳкамаси томонидан;  
Б) 1997 йил 17 сентябр Молия Вазирлиги томонидан;  
В) 1995 йил 27 сентябр Солик Кўмитаси томонидан;  
Г) \*1995 йил 7 сентябр Вазирлар Маҳкамаси томонидан.
  
- 4. «Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорида ҳисобкитоб клиринг ташкилотлари тўғрисида муваққат Низом» қачон қабул қилинган?**  
А) 1998 йил 31 июл;  
Б) 1997 йил 30 июл;  
В) 1996 йил 29 июн;  
Г) \*1994 йил 27 июл.
  
- 5. Ўзбекистон Республикасида Қимматли қоғозлар бозорининг Давлат томонидан тартибга солинишини амалга оширувчи органлар қўйидагилар?**  
А) Давлат мулк қўмитаси, Адлия Вазирлиги;  
Б) \*Марказий Банк, Давлат мулк қўмитаси, Молия Вазирлиги;  
В) Давлат Солик қўмитаси, Фонд Биржаси, Марказий Банк, Адлия Вазирлиги;  
Г) Давлат мулк қўмитаси, Марказий Банк, инвестиция компаниялари;

**6. Қимматли қоғозларнинг фундаментал хусусиятлари:**

- А) рисклилик, ликвидилик, кафолатлилик, брокерлик;
- Б) даромадлилик, диллерлик;
- В) \*ликвидилик, даромадлилик, риск;
- Г) диллерлик, брокерлик, рисклилик.

**7. Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик ва диллерлик фаолиятини амалга оширадиган кишилар нима дейилади?**

- А) инвестиция институти;
- Б) индивидуал инвесторлар;
- В) инвестиция институти ва инвестиция воситачиси;
- Г) \*индивидуал инвесторлар ва инвестиция воситачиси.

**8. Қимматли қоғозларни сақлаш, уларни бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини таъминлаш ва бу жараёнда ҳуқуқий томондан тўғри расмийлаштириш фаолияти билан шуғулланадиган нима дейилади?**

- А) инвестиция институтлари;
- Б) Институтционал муассасалар;
- В) \*депозитарийлар;
- Г) Суғурта компаниялари.

**9. Қўйидагилардан қайси бири инвестиция фонди бўлмайди?**

- А) Банклар, нобюджет фондлар;
- Б) Банклар, суғурта компаниялари;
- В) очик ва ёпик инвестиция фондлари;
- Г) \*А, Б;

**10. Қимматли қоғозларни ўз номидан ва ҳисобидан сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахс нима дейилади?**

- А) эмитент;
- Б) инвестиция институт;
- В) холдинг компаниялари;
- Г) \*дилер, инвесторлар;

**7-масала.**

«Миконд» АЖ и/ч ҳажми 400 млн.сўм, кейинги йилда режалаштирилаётган ич ҳажми 480 млн.сўм. Қўйидаги бухгалтерия баланси мавжуд:

Актив	Сумма млн.сўм	Пассив	Сумма млн.сўм
Асосий воситалар	40	Устав капитал	40

Хом ашё	60	Резерв фонд	10
Хисоб ракамда	20	Махсус фонд	4
		Ўзок муддатли кредитлар	26
		Қисқа муддатли кредитлар	40
Жами	120	Жами	120

Кўшимча молиялаштиришга эҳтиёжни аниқланг (агарда тақсимланмаган фойдани ҳар хил фондларга йўналтирган бўлсак). Дивиденд ҳажми 40%, и/ч ҳажми 4,3%.

#### Ечими

Актив	Сумма млн.сўм	хисоби	Кейинги йил учун прогноз баланс млн.сўм
Асосий воситалар	40		
Хом ашё	60		
Хисоб ракамда	20		
Жами	120		

Пассив	Сумма млн.сўм	хисоби	Кейинги йил учун прогноз баланс млн.сўм
Устав капитал	40		
Резерв фонд	10		
Махсус фонд	4		
Ўзок муддатли кредитлар	26		
Қисқа муддатли кредитлар	40		
Жами	120		

1. Капитализацияланган фойда ўсишини (КФЎ) аниқланг млн.сўм  

$$КФЎ = \Phi M \times РСД / (1 - ДМ)$$

ФМ-фойда маржаси  
 РСД-режал.сотиш даражаси  
 ДМ-дивиденд меъёри  
 2. Капитализацияланган фойдани аниқланг млн.сўм  
 3. Кўшимча молиялаштириш эҳтиёжини аниқланг

## Тестлар

- 1. Ўзбекистонда «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» ги Қонун қаҷон қабул қилинган?**  
А) \*2008 йил 27 июн;  
Б) 1993 йил 2 сентябр;  
В) 1994 йил 3 сентябр  
Г) 1995 йил 4 сентябр
  
- 2. Қимматли қоғозлар даромад олиш учун сотиб олинади. Уларнинг курси нималарга боғлиқ бўлади?**  
А) \*Даромадга, эмитентга  
Б) Инвесторга, фоизга  
В) Инвестиция муассасаларига  
Г) Даромад, дивидентга
  
- 3. Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказадиган органлар эмиссия проспектидаги маълумотларнинг тўлиқ эканлигига жавобгардирлар, лекин у маълумотларнинг тўғрилиги учун ким жавобгар ҳисобланади.**  
А) Инвестор;  
Б) \*Эмитент;  
В) Бухгалтер;  
Г) Аудитор;
  
- 4. Қуидагилардан қайси бири бозорда қимматли қоғозларни эмитент ёки унинг вакили томонидан дастлабки сармоядорга сотилади?**  
А) Уюшган бозор  
Б) Биржадан ташкари бозор  
В) Иккиламчи бозор  
Г) \*Бирламчы бозор
  
- 5. Қуидаги фикрлардан қайси бири нотўғри?**  
А) Биржада қимматли қоғозлар олди-сотдиси фақат воситачилар ёрдамида амалга оширилади  
Б) Фонд бозорига қимматли қоғозларни етказиб бериш шарт эмас  
В) \*Фонд биржасида қимматли қоғозлар ихтиёрий миқдорда сотилади  
Г) Фонд биражсида нархла ошкора куйилади
  
- 6. Эгаси муайян вақт мобайинида ёки муддатсиз тарзда қимматли қоғозларни белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз нима деб аталади?**  
А) Европа опциони

- Б) \*Америка опционы
- В) Опцион Call
- Г) Фьючерс

**7. Биржаларда энг юқори бошқарув органи бу-...**

- А) Акциядорларнинг умумий йигилиши
- Б) \*Биржа кенгаши
- В) Тафтиш хайъати
- Г) Тезкор бошқарув

**8. Биржаларда эмитенетларнинг қимматли қоғозларини текшириб, котировка қилиб, биржа олди-сотдисига ким рухсат беради?**

- А) Маклериат
- Б) Тафтиш комиссияси
- В) \*Котировка комиссияси
- Г) Биржа бошқаруви

**9. Молия брокерларидан қимматли қоғозарни сотиш, харид қилиш учун буюртма олиб, биржа олди-сотдисини ким ташкил этади?**

- А) Котировка комиссияси
- Б) \*Маклериат
- В) Эксперт комиссияси
- Г) Тафтиш комиссияси

**10.Акциядорлардан акциянинг номинал нархидан баландрок нархда кайтариб сотиб олиш хукукини берувчи имтиёзли акция тури кандай номланади?**

- А) \*Чақириб олиш хукукини берувчи
- Б) Кумультив
- В) Ордерли
- Г) Ретректив

**8-вазиятли масала.**

Очиқ акциядорлик жамиятнинг акциядорлик капиталини кўтаришга доир унинг таркиби қўйидагича эди: жамиятда 100 акционер, улар 1000 акциялар эгаси ҳисобланади. А акциядор 260 та акция яъни устав капиталнинг 26%ига, Б акциядор 530 та акция яъни устав капиталнинг 53%ига, В акциядор 110 акция, яъни устав капиталнинг 11%ига, қолган 97 акциядорлар 100та акцияга , яъни устав капиталининг 10%ига эгадир.

Жамият С стратегик инвесторни жалб қилмоқчи, компаниянинг 25% акциясига эга булиб, маълум қарорларини чеклаб қўймоқчи. Жамият 350та акция чиқаради ва уларни ёпиқ йўл билан жойлаштиради. Ушбу акцияларни С инвестор сотиб олади.

Мухокама учун саволлар:

1. Акциядор жамиятнинг устав капитали ўсгандан сўнг ўзгарган таркиби қандай булади? (жамиятнинг ҳар бир акцияси эгаларини ва миноритар акциядорлари улушкини фоизда курсатинг)?
2. Устав капиталидаги ўзгаришлар акциядорлар хукуқига қандай қилди? ( ҳар бир акциядорнинг ва миноритар акциядорлар гурухининг ҳолатини таърифланг)?

### **9-вазиятли масала.**

Компанияда 100 акциядор мавжуд. А Акциядор 10 % оддий акцияларининг эгаси ва у компаниядан навбатдан ташқари акциядорлар йиғилишини ўтказишни талаб қилмоқда. Унинг асосий талаби директорлар кенгаши фаолиятини тухтатиш ва янгисини сайлашдир.

Саволлар:

1. А акциядор Директорлар кенгашига аъзоларни тавсия этиш хукуқига эгами?
2. Бошқа акциядорлар Директорлар кенгашига аъзоларни тавсия этиш хукуқига эгами?
3. Сизнинг таклифларингиз қандай?

### **Тестлар**

- 1. Эгасининг исми-шарифи ёзилган банк сертификати қандай номланади?**  
А) Ремитент  
Б) Индоссамент  
В) \*Цессия  
Г) Преферанц
- 2. Хосилавий кимматли когозлар келишувларида нарх ва фойда хавф хатарини суғурта килиш шаклларидан бири қандай номланади?**  
А) Инжиниринг  
Б) Факторинг  
В) \*Хежириинг  
Г) Франчайзинг
- 3. Инвесторлар томонидан кимматли когозлар портфелидаги хилмачилликни узгартириш, кенгайтириш қандай номланади?**  
А) Конверсия  
Б) Котировка  
В) Индексация  
Г) \*Диверсификация

- 4. Юкни ташишга қабул килинганиниг юкни олувчига етказиш мажбуриятини тасдикловчи хужжат қандай номланади?**
- А) Форвард битими  
Б) \*Коносамент  
В) Индоссамент  
Г) Опцион Stellage
- 5. Инвестиция кредитлари узок муддатли қимматли қоғозлар билан бирга қандай бозорда олди- сотди қилинади?**
- А) Пул бозорида  
Б) Сармоя бозорида  
В) Кредит бозорида  
Г) \*Капитал бозорида
- 6. Агар қимматли қоғозлар эгасининг мулки бўлса у холда даромадлар қандай усулларда олиниши мумкин?**
- А) Ўзгармас фоизли тўлов усули  
Б) Погонали фоизли тўлов усули  
В) Ўзгарувчан фоизли тўлов усули  
Г) \*Дивидент усулида тўлов
- 7. Акцияга эгалик қилиш ва уни бошқа шахсга бериш хуқуки нуқтаи назардан қандай бўлади?**
- А) Имтиёзли акция  
Б) Номи ёзилган  
В) \*Номи ёзилган ва оқ акция  
Г) Оқ акция
- 8. Қимматли қоғозларга таълуқли бўлмаган хусусиятларни аниқланг:**
- А) номинал қийматга эга бўлган пулли хужжат;  
Б) дивидент ёки фоиздар кўринишида даромад келтирувчи пулли хужжат;  
В) эмиссия қилувчи сотиб олувчи ўртасидаги мулкий муносабатни билдирувчи пулли хужжат;  
Г) \*қимматли қоғозларни баҳолаб бўмайди.
- 9. Қимматли қоғозларни дисконт баҳо билан сотиб олиниши деганда унинг (яъни, қимматли қоғозларнинг):**
- А) номинал баҳосида сотиб олишни тушунилади;

- Б) \*номинал баҳосидан паст нархда чегирма қиймат асосида сотиб олишни тушуnilади;
- В) номинал баҳосидан юқори нархда сотиб олишни тушуnilади;
- Г) бозор нархида сотиб олишни тушуnilади;

## **10. Қимматли қоғозларнинг диверсификацияси деганда:**

- А) \*инвесторлар томнидан қимматли қоғозлар портфелидаги хилмалаштириши үзгартериши ва кенгайтириши тушуnilади;
- Б) битта компания томонидан чиқарилган бир турдаги қимматли қоғознинг иккинчи турдаги қимматли қоғозга алмашиниши тушуnilади;
- В) инвесторлар томонидан қимматли қоғозлар портфелини бир хиллаштириш ва торайтириш тушуnilади;
- Г) ишончли, даромадлик келишув воситасини инвесторлар томонидан жамғарилган маблағларни хилмалаштириш ташкилдаш йўли;

### **10-вазиятли масала.**

Директорлар кенгаши самарали ишлашига шароит яратиш учун директорлар қўмитаси шаклланди, унда директор кенгашида куриладиган масалаларнинг ечими бўйича тавсия ва таклифлар берилади (масалан корпорация Корпоратив кодекс бўйича).

Компаниянинг корпоратив хулқ атворни баҳолаш натижасида “Камолот” рейтинг агентлиги хulosада «Фотон» корпорациясининг ушбу ҳолатини кўйидаги баҳолади: «Директорлар кенгаши қўмитасининг мавжуд эмаслиги, айниқса, аудит қўмитасини ташкил этилмаганлиги салбий ҳолат деб баҳоланади.

Ушбу хulosадан келиб чиқсан ҳолда компанияда директорлар кенгаши томонидан директорлар қўмитаси ташкил этишга қарор қилинди.

“Аудиторлик қўмитасини шакллантириш ҳақидаги” йўриқномани ишлаб чиқиш вазифасини тафтиш комиссиясига топширилди. Жамият уставида ҳам, “Директорлар кенгаши ҳақида”ги йўриқномада ҳам директорлар қўмитасини шакллантириш масаласи куриб ўтилмаган. “Фотон” акциядорлик жамиятининг директорлар кенгаши аъзолари сони 7 тани ташкил этади.

### **Саволлар:**

1. Акциядорлик жамияти директорлар кенгаши директорлар қўмитасини шакллантириш учун қандай ҳаракат қилиши керак?
2. Директорлар кенгашининг директорлар қўмитасини шакллантириш бўйича қабул қилган қарори туғри ва нотуғрилигини муҳокама қилинг.

### **Тестлар**

#### **1. Қимматли қоғозлар курси деганда:**

- А) \*уларни сотиш ва сотиб олиш нархи тушуnilади;
- Б) сотувчи билан сотиб олувчи нархи ўртасидаги фарқи тушуnilади;

- В) қимматли қоғозларда ёзилган пул суммаси тушунилади;  
Г) қимматли қоғозларни бозор нархи тушунилади;

**2. Рендит, яъни қимматли қоғоз даромадлигининг нисбий кўрсаткичи:**

- А) дивиденд микдорининг қимматли қоғозни сотиб олувчи учун маъқул даромадга бўлган нисбатига тенг ( $d:h$ );  
Б) \*дивиденд микдорининг битта акциянинг нархига бўлган нисбатига тенг ( $d:p$ );  
В) қимматли қоғозни сотиб олучи учун маъқул даромадини дивидекнд миқдорига бўлган нисбатига тенг ( $h:d$ );  
Г) қимматли қоғозни сотиб олувчи учун маъқул даромадни дивиденд миқдорига нисбати ( $d:h$ );

**3. Ликвидли қимматли қоғозлар деганда:**

- А) \*тезлик билан эгасига ҳеч қандай йўқотишларсиз пулга айланиш қобилиятига эга бўлган қимматли қоғозлар тушунилади.  
Б) белгиланган наминалига қараб албатта тўлов учун қабул қилинадиган қимматли қоғозлар тушунилади;  
В) секинлик билан қимматли қоғозлар орқали пулга айланиш қобилиятига эга бўлган қимматли қоғозлар тушунилади;  
Г) номинал қийматига эътибор бермай тўлов учун қабул қилинадиган қимматли қоғозлар тушунилади;

**4. Трансферт деганда:**

- А) ўтказма вексель тушунилади;  
Б) \*номи ёзилган қимматли қоғозларга эгалик хуқуқини бошқа бирорга бериш тушунилади;  
В) бирор-бир турдаги қимматли қоғозни тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуаси тушунилади;  
Г) оддий вексел тушунилади;

**5. Қимматли қоғозлар реквизитлари деганда:**

- А) фонд биржасида қайд қилинган қимматли қоғозлар мажмуаси тушунилади;  
Б) нобиржавий бозорда қайд қилинган қимматли қоғозлар мажмуаси тушунилади;  
В) \*бирор бир турдаги қимматли қоғозни тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуаси тушунилади;  
Г) қимматли қоғозлар ҳақидаги маълумотлар тушунилади;

**6. Дивиденд-бу:**

- А) бир шахс томонидан иккинчисига ёзиб берилган қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қофознинг бир тури;
- Б) \*акциядан олиндиган даромад;
- В) эмитентнинг қарздорлиги ва бу қарз учун фоиз тўлаш зарурлиги хақида гувоҳлик берувчи қимматли қофоз;
- Г) облигациядан олинадиган даромад;

**7. Акциядорлик жамияти дивиденди (акция эгаларига) қайси кўринишда тўлай олишга ҳақли?**

- А) бошқа акционер жамияти акцияси билан;
- Б) маҳсулот билан;
- В) акционер ҳисоб счётига пул ўтказиш билан;
- Г) \*ўзининг акцияси ёки нақдавлат молиявий ресурслари муомаласи пул билан;

**8. Қайси акцияларга дивиденд тўланади?**

- А) акциядор қўлидаги акцияларга;
- Б) муомилага чиқарилган ва жамият балансида қайд қилинган барча акцияларга;
- В) акциянерларга таълуқли бўлган, аммо муомилага чиқарилмаган, жамият балансида қайд қилинган барча акцияларга;
- Г) акциялар жамиятини умумий мажлисидан 1 ой олдин реестрга киритилган акциядорлар учун;

**9. Акция курси қийматининг номинал қийматидан ошиб кетиш, яъни ижобий бўлиши;**

- А) дизажио деб юритилади;
- Б) преференциал деб юритилади;
- В) \*ажио (лаж) деб юритилади;
- Г) десфференцион деб юритилади;

**10. Оддий акция шундай акцияки, унга тегадиган дивиденд;**

- А) \*фойдага қараб хар-хил бўлади;
- Б) олдиндан белгиланган қатъий фоизларда берилади;
- В) мажбуран тўланади;
- Г) фойдага қараб бир хил бўлади;

**11-вазиятли масала.**

Акциядорлар йиғилиш умумий қонун буйича, агарда ижроия органини шаклантириш директорлар кенгаши вазифасига кирмаса, унда хоҳлаган

ҳоатда бош директорнинг фаолиятини тухташ ҳақида қарор қабул қилинди дейлик.

“Фотон” очик акциядорлик жамияти 1 октябр қуни акциядорларнинг умумий йиғилишида бош директор Исаев В.А.нинг ваколатини тўхтатшиш ҳақида қарор қабул қилди ва ушбу лавозимга Кудратова К.М.ни тайинлади.

5 октябр қуни овоз бериш ва саноқ комиссияси натижаларига асосан баённома тузилди ва имзоланди. Шу куннинг ўзида Кудратова К.М.га хизмат хонаси, техник воситалар ва ўз вазифасини бажариш учун керакли дастгоҳлар берилди.

8 октябр қуни Кудратова К.М. билан меҳнат шартномаси тузилди ва уни бош директор лавозимига биритириш буйруғи 10 октябр қуни имзоланди.

### **Саволлар:**

1. Қайси муддатдан бошлаб Кудратова К.М ҳужжатларга имзо қуиши, буйруқ чиқариш, шартнома тузиш ваколати берилди, Исаев В.А. қайси муддатда ўз ваколатини йуқотди?
2. Агарда директорлар кенгashi раиси Кудратова К.М. нинг меҳнат шартномасини имзоламаса, қандай ҳуқуқий ҳолатлар юзага келади?
3. Кудратова К.М.нинг ишга кириши ва Исаев В.А.нинг ишдан кетиши буйича буйруқларни ким имзолайди?

### **Тестлар**

#### **1. Қуида қайд этилган акция турларининг қайси бири имтиёзли акцияларга таалуқли эмас:**

- А) чақириб олиш ҳуқуқини берувчи акциялар;
- Б) кумулятив акциялар;
- В) ретректив акциялар;
- Г) \*корхона фойдасига қараб дивиденди ўзгарувчи акциялар.

#### **2. Қайд этилган акциялар - бу:**

- А) фақат нобиржавий қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлувчи акциялардир;
- Б) жамғарма биржасига муомала учун рухсат берилган акциялардир;
- В) \*муомалага чиқарилган ва акционерлар қўлидаги акциялардир;
- Г) компаниялар тасарруфидаги акциялардир;

#### **3. Қайд этилмаган акциялар – бу:**

- А) \*фақат нобиржавий қимматли қоғозлар бозорида муомилада бўлувчи акциялардир;
- Б) компаниялар тасарруфидаги акциялардир;
- В) муомалага чиқарилган ва акционерлар қўлидаги акциялардир;
- Г) жамғарма биржасига муомала учун рухсат берилган акциялардир;

**4. Акциядорлик жамияти акциядорлар қўлидаги акцияларни 1/4 нисбат билан пропорционал равишда йириклиштиришга қарор қилди. Қиймати бир хил 100 та акцияга эга бўлган шахснинг акцияси неча дона янги акция билан алмаштирилади?**

- А) 400 та акция билан алмаштирилади;
- Б) 250 та акция билан алмаштирилади;
- В) \*25 та акция билан алмаштирилади;
- Г) 100 та акция билан алмаштирилади;

**5. Облигация – бу:**

- А) ўз қийматига нисбатан қатъий белгиланган фоиз шаклида даромад келтиручи қимматли қофоздир;
- Б) \*эмитентнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятидур;
- В) ўз эгасига дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қофоздир;
- Г) улуш муносабатини ифодаловчи қимматли қофоздир;

**6. Қуйидаги таърифлардан қайси бири облигация хусусиятларига таълуқли эмас?**

- А) корхона ва ташкилотлар қўлидаги бўш пул маблағларини тўплаш мақсадида чиқарилади;
- Б) жорий йилдаги бюджет камомадини қоплаш мақсадида чиқарилади;
- В) акционерлик жамияти фаолиятини молиялаштириш учун қўшимча маблағни (сармоя) вужудга келтириш мақсадида чиқарилади;
- Г) \*корхонага дастлабки капитал тўплаш учун чиқарилади;

**7. Облигацияга тегишли хусусият:**

- А) ўз эгасига мазкур акционер жамиятига аъзо бўлиб кириш ҳуқуқини беради;
- Б) \*уни сотиб олган инвестор эмитентнинг кредиторига айланади;
- В) жамият фойда олмай қолган холларда, унинг эгаси дивиденд ололмай қолиши мумкин;
- Г) акционерлик жамияти умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини беради;

**8. Қуйидаги ташкилотларнинг қайси бири облигацияларни чиқаришга ҳақли:**

- А) республика ҳукумати;
- Б) вилоят ҳакимиятлари;
- В) корхона ва ташкилотлар;
- Г) \*барчаси тўғри.

**9. Депозит сертификатлари – бу:**

- А) омонат қўйилгани тўғрисидаги эмитент гувоҳномасидир;

- Б) нақт пул кўринишдаги банк сертификатларири;
- В) \*эмитентнинг махсуз депо хисоб ракамларида махсус ёзувлар кўринишида яъни қофозсиз кўринишдаги банк сертификатларири;
- Г) депозитдаги маблағларнинг ишлатиш хуқуки;

## **10. Вексел – бу:**

- А) дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад келтирувчи пулли хужжат;
- Б) ўз қийматига нисбатан қатъий белгиланган фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қофоз;
- В) \*муайян суммадаги қарзни белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти қатъий юкланган, қонун билан тадиқланган ҳолатда тўлдирилиб расмийлаштирилган қарздорлик тилхатидир;
- Г) эмиссион қимматли қофозларнинг махсус тури;

### **Фанга доир видео маъruzалар, видео роликлар**

[https://www.youtube.com/watch?v=a\\_29Mli3B90](https://www.youtube.com/watch?v=a_29Mli3B90) - AP-112-RU – Конкурентоспособность предприятия

<https://www.youtube.com/watch?v=feDtBfYSZ6Y> - Оценка конкурентоспособности

<https://www.youtube.com/watch?v=c8vBacm8CrQ> - Конкурентоспособность предприятия

<https://www.youtube.com/watch?v=KhP8VpdScqs> - Пути повышения конкурентоспособности фирм, организаций и предприятий.

<https://www.youtube.com/watch?v=y9iE2hH7pEs> - Обоснование стратегии повышения конкурентоспособности продукции. ХНЭУ им. С. Кузнецова

[https://www.youtube.com/watch?v=mYF2\\_FBCvXw](https://www.youtube.com/watch?v=mYF2_FBCvXw) - The Five Competitive Forces That Shape Strategy

<https://www.youtube.com/watch?v=29FNaoxv6jI> - Group 5 A Note on Microeconomic for Firm Competitiveness

<https://www.youtube.com/watch?v=6ag6W9kdX50> - Competitiveness Analysis and Development Strategies for 33 Indonesian

## V. МАСАЛАЛАР БАНКИ

**1-масала.** 1 ой ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхонага нок ва олма керак бўлади. Берилган давр ичида ҳар бир маҳсулот бўйича қуидагиларни аниқланг:

- а) харид қилинаётган маҳсулотларнинг оптимал вазнини
- б) буюртмаларнинг оптимал сонини
- в) захираларни сақлашга бўлган оптимал ўзгарувчан ҳаражатларни
- г) ўзгарувчан бўйича оптимал вариант ва бутун партия ойнинг 1-чи кунида сотиб олинган вариант ўртасидаги фарқни.

Берилган:

- 1 ой ичидаги эҳтиёж (т). Нок-9, Олма-82;
- маҳсулот партиясига буюртма нархи (сўм) Нок-190, Олма-110;
- 1 ой ичида бир бирлик товарни сақлаш ҳаражатлари (сўм) Нок-130, Олма-80.

Ечими:

- а) Харид қилинаётган маҳсулотларнинг оптимал вазнини қуидаги формула ёрдамида топамиз.

$$B_o = \frac{\sqrt{2 \cdot C_3 \cdot \mathcal{E}}}{X} \quad (8.7)$$

бу ерда:  $C_3$  – товар партиясига буюртма қиймати (сўм).

$\mathcal{E}$  – ой давомида эҳтиёж (т)

$X$  – бир бирлик товарни бир ой давомида сақлаш ҳаражатлари.

- (1) формулага берилганларни қўйиб қуидагига эга бўламиз

(Нок):

$$B_1 = \frac{\sqrt{2 \cdot 19 \cdot 9}}{13} = 5 \text{ тонна}$$

(Олма):

$$B_2 = \frac{\sqrt{2 \cdot 11 \cdot 82}}{8} = 15 \text{ тонна}$$

- б) Бир ой давомида буюртмаларнинг оптимал сонини қуидаги формуладан топишимииз мумкин:

$$C = \frac{\sqrt{\mathcal{E} \cdot X}}{2 \cdot K_3} \quad (8.8)$$

(Нок):

$$C_1 = \frac{\sqrt{9 \cdot 13}}{2 \cdot 19} = 2 \text{ буюртма}$$

(Олма):

$$C_2 = \frac{\sqrt{82 \cdot 8}}{2 \cdot 11} = 5 \text{ буюртма}$$

в) Бир ой давомида зазираларни сақлашга бўлган оптимал ўзгарувчан харажатларни қуидаги формуладан топамиз:

$$X_0 = \sqrt{2 \cdot \mathcal{E} \cdot X \cdot K_3} \quad (8.9)$$

(Нок):  $X_{01} = \sqrt{2 \cdot 9 \cdot 13 \cdot 19} = 66,68$  сўм

(Олма):  $X_{02} = \sqrt{2 \cdot 82 \cdot 8 \cdot 11} = 120,13$  сўм

г) Ўзгарувчан харажатлар бўйича оптимал вариант ва харид ойнинг 1чи кунида бўлган вариант орасидаги фарқ қуидаги ҳисобланади:

$$\Phi = \frac{X \cdot \mathcal{E}}{2 + K_3 - X_0} \quad (8.10)$$

(Нок):  $\Phi_1 = \frac{13 \cdot 9}{2 + 19 - 66,68} = 10,82$  сўм

(Олма):  $\Phi_2 = \frac{8 \cdot 82}{2 + 11 - 120,13} = 218,87$  сўм

Мустакил ечиш учун масалалар

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### **Мустакил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни:**

*Мустакил иш* – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустакил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

*Мустакил иш* - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўниумасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

### **Мустакил ишнинг турлари ва тизмими:**

1.Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив ( рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустакил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;

- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;
- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф холосаси;
- иш натижаларини қўлланиш соҳаси.

Ўкув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қўйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- Ўкув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чукурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли холоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришdir.

### **Мустақил таълим мавзулари**

**“Корпоратив тузилмаларда рақобатбардошлигини баҳолаш”** фанидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш механизми
2. И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор ўйналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида корхоналарни рақобатбардошлигини ташкил этиш.
3. Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда корхоналарнинг молиявий ҳисботларни ташкил қилиш ва юритишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.
4. Корхона молиявий ҳисботлардан фойдаланувчилар ва уларнинг манфаатлари.
5. Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишнинг моҳияти ва зарурияти.

6. Хўжалик фаолиятини таҳлил этиш тизими ва услублари.
7. Корхоналар фаолиятини таҳлил этишнинг асосий шакллари.
8. Молиявий таҳдилнинг асосий усуллари.
9. Пул оқимлари тушунчаси ва унинг аҳамияти.
10. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари
11. Ички ва ташқи, доимий ва ўзгарувчи харажатлар.
12. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. 14. Маҳсулот таннархи тўғрисида тушунча ва таннарх турлари.
13. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш тартиби
14. Иқтисодиётда баҳолар тизими, уларнинг турлари, хусусиятлари ва вазифалари.
15. Маҳсулотларга (ишларга, хизматларга) баҳо белгилашга таъсир этувчи омиллар таҳлили.
16. Баҳо белгилаш тартиби, усуллари ва босқичлари.
17. Корхонанинг мақсадга мувофиқ баҳо сиёсатини ишлаб чиқиши.
18. Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда корхоналар ҳаражатларни бошқаришнинг концепциялари.
19. Харажатлар тушунчаси ва уларнинг турлари. Харажатлар гуруҳланиши.
20. Ўзгарувчан ва доимий харажатлари
21. Корхонанинг капитали тушунчаси, унинг моҳияти ва таркиби
22. Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда корхона капиталининг доиравий айланиши босқичлари ва уларнинг хусусиятлари
23. Корхона капиталини шаклланиш тамойиллари.
24. Капитал таркиби: ўз маблағлари ва қарзга жалб этилган капитал.
25. Капитал қиймати ва уни баҳолаш тамойиллари.
26. Молиявий леверажнинг моҳияти уни ҳисоблаш усуллари.
27. Корхонанинг ўз маблағлари ва уларнинг ҳосил бўлиш манбалари
28. Иқтисодиётни модеринизациялаш шароитида активларни бошқариш

## VII. ГЛОССАРИЙ

**Бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар** — ўзининг белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа параметрлари бўйича таққосланиши мумкин бўлган шундай товарларки, уларни олувчи истеъмол қилиш чоғида бир товарни бошқасига ҳақиқатан ҳам алмаштиради ёки алмаштиришга тайёр бўлади;

**Инсофсиз рақобат** — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишchanлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

**Иқтисодий концентрация** — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш;

**Иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш** — хўжалик юритувчи субъектлар ҳаракатларини бундай хўжалик юритувчи субъектлардан бирортаси билан ҳам бир шахслар гуруҳига кирмайдиган юридик ёки жисмоний шахс билан келишиб олиш;

**Камситувчи шартлар (шароитлар)** — товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш, ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шартлари (шароитлари) бўлиб, улар бошқа тенг шартларда (шароитларда) битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни ўзга хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) билан таққослаганда тенг бўлмаган ҳолатга солиб қўяди;

**Келишиб олинган ҳаракатлар** — товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

**Молия бозори** — банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қофозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади;

**Нотўғри таққослаш** — рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан тарқатиладиган, товар ёки молия бозорида айрим хўжалик юритувчи субъектга афзалликлар яратадиган ёхуд хўжалик юритувчи субъектни (рақобатчини) ёки рақобатчи ишлаб чиқарган товарни ёмонловчи ёлғон, ноаниқ ёки бузиб таққослаш;

**Рақобат** — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шартшароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди;

**Рақобатга қарши ҳаракатлар** — рақобат тўғрисидаги қонун хўжжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);

**Товар** — фаолиятнинг олиш ва реализация қилиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан ишлар ва хизматлар;

**Товар бозори** — товарнинг (шу жумладан бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади;

**Хўжалик юритувчи субъект** — товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор.

**Иқтисодий ноҷор корхоналар** – муайян микдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта микдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

**Иқтисодий ўсиш** – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши.

**Импорт** – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У вақтни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффакият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

**Бандлик** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

**Банк активлари** – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта кўринишида бўлади.

**Банк депозитлари** – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

**Банк капиталининг етарлилик даражаси** – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши керак.

**Банк тизимининг ликвидлиги** – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

**Банклар ликвидлиги** – банклар активларининг қисқа муддат ичida пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

**Банк-молия тизимининг барқарорлиги** – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлилик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

**Банкрот** – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича крудиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

**Барқарорлик** – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати.

**Бизнес** – фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтоҷликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англаради.

**Бозор конъюнктураси** – муайян вакт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савододаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

**Бюджет дефицити** – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошибб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

**Виждон эркинлиги** – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик хуқуқи ҳисобланади.

**Глобал молиявий-иқтисодий бозор** – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

**Давлат бюджети** – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

**Даромад солиғи** – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солик).

**Даромад солиғи ставкалари** – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган соликларнинг фоизлардаги даражалари.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларни онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

**Демократик онг** – кишиларнинг озодлик, эркинлик, ижтимоий адолат, фикрлар хилма-хиллиги, ошкоралик ва мулоҳазалар эркинлиги ҳақидаги ҳистойгулари, қарашлари, ғоялари, назарияларнинг мажмуидир. Демократик онг ҳам янги ҳодиса, аммо чуқур тарихий илдизларга эга. Халқнинг озодлик, эркинлик, адолат, ошкоралик, мулоҳазаларининг хилма-хиллиги ҳақидаги ўзига хос интилишлари, қарашлари удумлари асосида бундай онгнинг тарихий заминлари бор.

**Дефляция** – инфляция даврида муомаладаги қофоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул - кредит тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилади.

**Диверсификация** – (лотинчадан *versus*- ҳар хил ва *facere*-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

**Диверсификация стратегияси** – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар

линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

**Дивиденд** – акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгалариға тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

**Жаҳон бозори конъюнктураси** - жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

**Жорий конъюнктура** – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

**Ижтимоий адолат** – жамият барқарор ва тўлақонли ривожланиши учун ўта зарур омилдир. У биринчидан, шахс, жамият, давлат алоқадорлигига тенглик ва ўзаро ҳамкорликни тақозо этади. Иккинчидан, мазкур тамойил шахснинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий неъматлардан баҳраманд бўлишда тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлашга қаратилган мезонлар ва кафолатларнинг мавжудлигини билдиради. Ижтимоий адолатни таъминлаш хар бир ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

**Ижтимоий соҳа обектлари** – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Ижтимоий фикр** – аҳолининг муайян гуруҳлари, қатлами, табақаларининг воқеликдаги турли ходиса ва ҳаракатларга нисбатан баҳоловчи муносабатидир. Бундай баҳо маъқуллаш, қоралаш ёки бетараф позицияда намоён бўлиши мумкин.

**Ижтимоий ҳамкорлик** – хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

**Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги** – мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш лаёқати бўлиб, қуйидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлиги.

**Иқтисодиётнинг реал сектори** – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

**Инвентаризация** – корхоналар, фирмалар, ташкилотларда нақд мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

**Инвестицион кредитлар** – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қофозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

**Инвестицион лойиха дастури** - Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури.

**Инвестицион сиёsat** – савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўлларини тиклашни назарда тутади.

**Инвестицион солиқ кредити** – солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилади, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичida босқичма – босқич тўлаш мумкин бўлади.

**Инвестицион ҳамкорлик** - халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган.

**Инвестиция** – бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қофозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

**Инвестиция дастури** – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

**Инвестиция комплекси** - инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси.

**Инвестиция муҳити** – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иктисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

**Инвестиция фаолияти** - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

**Инвестиция фаолияти иштирокчилари** - буюртмачилар, пурратчилар, етказиб берувчилар, банклар, сугурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

**Инвесторлар** - хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳукуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

**Инқизотга қарши мўлжалланган чоралар дастури** – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқизотга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

**Инновацион технологиялар** – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланиувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

**Инновация жараёни** - янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий

изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иктисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қўйидаги босқичлари мавжуд - янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

**Инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари** – инсонга бекаму-кўст яшаш имкониятларини берувчи иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи хуқуқий мақом. Инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумининг асосидир.

**Инсон омили** – амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг бош ўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берувчи асосий тамойил. Инсон омили таркибан икки муҳим жихатни ўз ичига олади. Биринчи жихат Ўзбекистонда жами ижтимоий тузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш, нафақа билан таъминлаш тизимини, аҳолини экологик ва бошқа ҳавф-хатардан ҳимоя қилишдан иборат. Давлатнинг доимий эътиборини ўзида ифодалайди. Иккинчи жихат эса ялпи ижтимоий тараққиёт жараёнларида шахснинг ўз иштироки, бунёдкорлиги, яратиш завқи, саъй-ҳаракатлари ва шиҷоатини ифодаланишини назарда тутади.

**Инсон хуқуқлари** – кишиларнинг яшаш ва фаоллашиб бориши учун уларга берилган хуқуқлардир.

**Институционал сиёsat** - давлат томонидан мулкчилик, меҳнат, молиявий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда янги иқтисодий институтларни шакллантириш, эскиларини йўқотиш, мавжудларини трансформациялаш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар, ҳатти-ҳаракатлар.

**Интермодаль марказ** – юқ ташишлар бўйича ҳалқаро коммуникация ва логистика маркази.

**Интернет хизматлари** - интернет тармоғи абонентларига амалий баённомалар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-хужжатларни ўқиш, воқеий вактдаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда хужжатларни сақлаш ва ишлаш ва ҳ.к.

**Инфляция** – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

**Инфляция даражаси** – маълум вақт ичida (ой, йил) нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

**Инфратузилма** – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

**Ипотека** – банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериши.

**Ипотека кредити** - жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узоқ муддатли кредит. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида берилади.

**Истеъмол** – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

**Истеъмол кредити** – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. У банклар ва бошқа маҳсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит.

**Истеъмол товарлари** – инсон эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларининг товар шакли; пулга сотиб олиб, истеъмол этиладиган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар.

**Иш билан банд бўлган жами аҳоли** – ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

**Ишлаб чиқариш** – маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати.

**Ишлаб чиқариш инфратузилмаси** – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

**Ишлаб чиқаришни модернизациялаш** – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чоратадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб; замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

**Ишсизлик** – иқтисодий жиҳатдан актив (фаол) аҳолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай «ортиқча» бўлиб, меҳнат захираси армияси бўлиб қолиш ҳодисаси.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

**Капитал қурилиш** - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш.

**Капитал қўйилмалар** - қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш обьектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), турли мулкчилик шаклларидағи корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирлашга йўналтирилиши мумкин.

**Капитал таъмирлаш** – асосий воситаларни йирик кўламда буткул деталлари, қисмларини алмаштириш билан боғлиқ қайта таъмирлаш тушунилади.

**Капитал харажатлар** - асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва захираларнинг ўсиши.

**Касаначилик** – йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

**«Катта йигирмалик»** – 20 та йирик мамлакатлар гурухи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиз улуши тўғри келади.

**Кичик бизнес субъектлари** – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари микдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқовқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик бизнес субъектлари хисобланади.

**Конъюнктура** – бу бозорда маълум бир вақтда юзага келган иқтисодий ҳолатdir (асосан талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

**Кооперация алоқалари** – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

**Корхоналарга преференция бериш** – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хомашё ва материаллар, яrim тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

**Корхоналарни техник қайта қуроллантириш** – алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускунларни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш кувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

**Корхонанинг инновацион салоҳияти** – корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳиятининг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

**Кредит** – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шарти билан фойдаланишга бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуюи.

**Кутилаётган инфляция даражаси** – мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

**Кучли давлат** – омма фаолиятига асосланган кучли бошқарув тизимига, ривожланган иқтисодиёт, юксак маънавиятга эга бўлган давлат. Бундай давлат мустаҳкам иқтисодий, хукуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унинг қудрати фуқаролар ҳамжиҳатлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси, давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

**Қўшимча қиймат солиғи** – билвосита солиқ ҳисобланиб, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда янги яратилган қўшилган қийматнинг бир қисмини давлат бюджетига мажбуран олишdir. Ишлаб чиқарилган товарларни (ишлар, хизматларни), Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги импорт қилинган товарларни (ишлар, хизматларни) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилган (кўрсатилаган) ишларни (хизматларни) реализация қилиш жараёнидаги қўшилган қийматни бир қисмини бюджетга ажратувчилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади.

**Макроиктисодий кўрсаткичлар** – мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иктисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

**Меҳнат бозори** – меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олевчи шартномалар асосида ишчи кучи харид қилиш - сотишни амалга оширувчи, шунингдек, унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсуви ва очик ижтимоий-иктисодий тизимчасидир.

**Меҳнат ҳақи** – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

**Модернизация** – обьектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

**Молия тизими** – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

**Молия-банк тизими** – тарихан шаклланган ва белгиланган қонун қоидалар асосида фаолияти юритувчи мамлакатдаги молия-кредит муассасалари мажмуидир.

**Молиявий «кўпиклар»** – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши.

**Молиявий институтлар** – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

**Молиявий манбалар** – иқтисодиётнинг турли даражасидаги чоратадбирларни амалга ошириш учун такозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган

маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

**Мустақиллик** – (арабчадан - тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалик, қарам эмаслик) – эркин ва озод равища, бошқаларнинг раҳбарлигисиз иш юрита билиш. Мустақиллик барча жабҳаларда муносабатларни меъёр-мезонга солади, ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор этади. Мустақиллик – ўзаро хурмат, бир-бирларини қадрлаш, миллий ва башарий қадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқарашиб ва эркин тафаккурга таяниб яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради.

**«Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонаси** – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳистини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона худудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

**Нарх** – товар қийматининг пулдаги ифодаси.

**Преференция** – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

**Протекционизм** – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

**Пудрат** – шартнома ёки хўжалик юритишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

**Пул - кредит сиёсати** – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

**Пул** – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган махсус товар.

**Реконструкция** (қайта тиклаш) – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартериш. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

**Рентабеллик** – корхона фаолиятининг фойдалик даражаси. Унинг уч хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларни балансдаги (соф) фойда кўрсаткичини корхона активларининг ўртacha йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таннархига нисбати билан аниqlанади.

**Солиқ имтиёзи** – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

**Солиқ кредити** – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** – кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган солиқقا тортиш тартиби.

**Солиқ ставкаси** – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёри.

**Солиқ юки** – солиқ тўловчиларнинг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифиндисидир. Мамлакат миқёсида муайян даврдаги барча тўланган солиқлар ва йифимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди.

**Солиқ юкини енгиллаштириш** – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

**Солиқлар** – белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

**Солиқларни унификация қилиш** – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиқقا тортиш обьекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

**Талаб** – харидор, истеъмолчиларни бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги; бозорга олиб чиқилган ва пул имкониятлари билан таъминланган эҳтиёжлар.

**Таниарх** – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган барча харажатларнинг қиймати.

**Таркибий ўзгаришлар** – миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгаририб бориш. Таркибий ўзгаришлар ўз ичиға янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни олади.

**Ташқи қарз** – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

**Ташқи подавлат қарзлар** – мамлакатдаги ҳусусий шахслар (молия муассасалари, корхоналар ва аҳоли) томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

**Ташқи савдо** – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

**Ташқи савдо сиёсати** – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг ҳуқуқлилик ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

**Телекоммуникацион инфратузилма** – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуасидир.

